КОСМОНАВТЛАР ҚАҲРАМОНЛИГИ ХАЛҚИМИЗ ҚАҲРАМОНЛИГИДИР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 57 (3029). | Сешанба, 23 март 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.



Космонавтлар Павел Иванович Беляев ва Алексей Архипович Леонов Байқўнғир космодромига учиб кетишдан олдин Пермь аэродромида.



21 март куни космонавтлар П. И. Беляев ва А. А. Леонов КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Л. И. Брежнев билан телефон орқали гаплашдилар. Суратда: П. И. Беляев (чапда) ва А. А. Леонов. В. Савостьянов фотолари (ТАСС фотохроникаси).

СОВЕТ ХАЛҚИГА ҚУТЛОВЛАР

Советлар мамлакатининг космик фазони ўзлаштиришдаги янги буюк зафари бутун дунёни қойил қолдирди. «Восход-2» космик кемасининг парвози муваффақиятли тугалланганлиги муносабати билан совет халқини қутловчи телеграммалар Москвага КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. И. Микоян, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин номига олиниб турибди. Бу телеграммаларда олимлар, техниклар ва довюрак космонавтлар Павел Беляев билан Алексей Леонов табриклаңмоқда.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси Вальтер Ульбрихт, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси Вилли Штоф, Монголия Халқ-революцион партиясининг Марказий Комитетининг биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Цеденбал, Монголия Халқ Республикаси Буюк халқ хурали Президиумининг раиси Ж. Самбу, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Владислав Гомулка, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Эдвард Охаб, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Юзеф Циранкевич, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан Антонин Новотний, Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳукумати номидан Иозеф Ленарт, Югославия халқи номидан Иосип Броз Тито табрикнома юбордилар.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Тодор Живков совет космонавт учувчилари полковник Павел Беляев билан подполковник Алексей Леоновни қизғин табриклади.

Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Марказий Комитети, шунингдек Италия Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан Луиджи Лонго, Германия Коммунистик партияси номидан Марказий Комитетнинг биринчи секретари Макс Рейман Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига телеграммалар юбориб, совет халқига, унинг довюрак ўғлонлари — космонавтларга эзгу истаклар билдиришди.

* * *

АҚШ президенти Линдон Б. Жонсон қўшма штатлар халқи номидан космонавтларга, олимларга ва космосдаги буюк муваффақиятни таъминлаб берган барча кишиларга самимий табриклар ва энг яхши истаклар йўллади.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг бош секретари У Тан совет халқини космик фазони тинч мақсадларда забт этиш соҳасидаги янги муваффақият билан қутлади. (ТАСС).

СОВЕТ ТУЗУМИНИНГ ҚУДРАТИ

Бизнинг жонажон Ватанимиз, коммунизм асримиз инсоният тарихи илгари сира билмаган янгиликлар Ватани, буюк кашфиётлар асри бўлиб қолди. Бу традиция, бу новаторлик, бу пешқадамлик «дунёни титратган ўн кун» — ўша Улуғ Октябрь кунларида бошланган эди. Бу бизга янги ҳаёт ижодкори буюк доҳимиз Владимир Ильичдан қолган улуғ меросдир. Ўшандан бери кишиларимиз Коммунистик партия раҳнамолигида мислсиз қаҳрамонлик ва шижоаткорлик намуналарини кўрсатиб келмоқдалар.

Дунёда биринчи бўлган космик кеманинг парвози, ватандошимиз Юрий Гагаринниг мислсиз жасорати кечаги кундагидек бутун инсоният хотирасида. Мана, яна совет кишилари биринчи бўлиб космосни ўзлаштириш тарихида янги, унутилмас муҳим саҳифа очдилар. Жаҳонда биринчи марта Совет Иттифоқида одам космик кемадан ташқарига чиқди ва фазода эркин парвоз қилди. Одатдан ташқари дадилликни талаб қилувчи бу мураккаб тажрибани «Восход-2» кемасининг командири ўртоқ П. И. Беляев иштирокида космонавт-учувчи ўртоқ А. А. Леонов амалга оширди. Ер юзида яшовчи миллион-миллион кишилар ўртоқ А. А. Леоновнинг космик фазога чиқишини, унинг кема ташқарисида бажарган ишини ва кемага қайтиб киришини энг янги мақсус телевизион система ёрдами билан яққол кўра олишга мушарраф бўлдилар.

Тарихда биринчи марта инсон коинот дарвозасини очди, бевосита космик фазога чиқиб ишлади. Бу буюк ғалабанинг идизи жуда чуқур, тарихи эса фидокорона ва матонатли ижодий меҳнат саҳифаларига жуда бой. «Восход-2» экипажининг асрлар ошa яшовчи бу қаҳрамонлигида, космос баҳодирларининг ҳар бир парвозидагидек, социализм ва Советлар мамлакатининг бутун куч-қудрати, миллион-миллион кишиларнинг завод ва фабрикалар, далалар ва илмий лабораторияларда қилган кўп йиллик ижодий меҳнатлари ўз мужассамини топди. Совет космонавтларининг жасорати — бу совет кишисига хос бўлган қаҳрамонликни ифодаловчи воқеагина эмас, бу совет тузумининг энг ишончли ва ёркин тантанасидир, ленинчи партия раҳбарлигида бутун халқ ижодий кучини ягона мақсадга йўналтира оладиган умумхалқ давлатимиз қудратининг самарасидир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг Коммунистик партияга ва бутун совет халқига, бутун дунё халқларига ва ҳукуматларига Мурожаатида жаҳон фанига янги ҳисса қўшган бу буюк баҳодирликка муносиб баҳо берилди: «Восход-2» йўлдош кемасининг мард экипажи Социалистик Ватанимизнинг космик шуҳратини яна ҳам анча оширди. Совет космик техникасининг: «қудратли ва аниқ ракеталаримиз, мукаммал космик кемаларимизнинг устунлигини, уларнинг ускуналари, одамнинг космосда хавфсиз учишини таъминлайдиган бутун системамизнинг устунлигини жаҳон яна бир марта кўрди. «Восход-2» йўлдош кемасининг мард экипажи совет олимларининг ақли ва билимлари, совет конструкторларининг заковати, совет ишчиларининг моҳир қўллари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан ўз олдиларига қўйилган ҳар қандай вазифани ҳал қилишга лаёқатли эканлигини яна бир марта кўрсатди».

Космосда кўрсатилган янги шижоат ва довюраклик кишиларимизда совет ватанпарварлиги ҳисларининг ва Ватанимиз тақдири ҳам кўпроқ равнақ топиши учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни қилишга тайёр бўлиб туриш ҳисларининг янги туйғуларини вужудга келтирмоқда. Бутун мамлакатда бўлганидек, областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам шу кунларда зўр меҳнат кўтаринкилиги ҳукм сураётир. Саноат корхоналари ва қурилишларда, экиш тараддуди қизиб кетган далаларда етти йилликнинг охирги йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақа ҳар қачонгидан ҳам кенг қулоч ёйган.

«Ватан лочинларининг янги жасоратини эшитган кунимиз ишимиз ҳар кундагидан ҳам унумли бўлди,—деб ёзади Тошкент кабель заводи бригада бошлиғи Т. Абдураҳмонов, — Н. Сидиқхўжаев, А. Тангабоев, Б. Казаков ва бригадамизнинг бошқа аъзолари зиммадаги топшириқни бир ярим баравар ортиғи билан адо этишди. Космонавтларнинг она Ерга эсон-омон қўнганлиги қалбларимизни янада чексиз қувончга тўлдирди». Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози партия ташкилотининг секретари Фаттоҳ Набиев қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаяжонини қуйидагича ифодалайди: «Ажойиб совет олимлари, инженер-техникларига, фазо баҳодирларига яна бир бор қойил қолиб, офарин айтамиз! Тарихий хабардан руҳланган колхоз пахтакорлари чигит экиш олдидан тайёргарликни янада қизитиб юбордилар. Ерлар текисланиб борона қилинаяпти. 200 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган пахтакорларимиз буюк ғалабадан руҳланиб, дала ишларини кун сайин авж олдираётирлар».

Фидокорона ижодий меҳнатимиз билан севикли Ватанимиз куч-қудратини ошираверамиз, унн шон-шуҳратга буркаймиз! Шонли совет космонавтлари шарафига областимиз меҳнаткашлари қалбидан тошиб чиқаётган табрик ва миннатдорчилик сўзларида ана шу фикр, ана шу ғоя, ана шу интилиш ифодаланмоқда.

Совет давлатининг қудратини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш тинчликнинг ишончли гарантияси, фаровон ҳаёт манбаи эканлигини совет кишилари яхши биладилар. Бундан олдинги космик кемаларнинг учиши каби, «Восход-2»нинг парвози ҳам тинчлик ва тараққиёт ишига, дўстлик ва ҳамкорлик ишига хизмат қилади. Совет Иттифоқи ер юзида ҳам, космосда ҳам тинчлик снёсатини оғишмай ўтказиб келмоқда ва бундан буён ҳам шундай снёсат ўтказиш ниятида эканлигини бутун дунёга очиқ-ойдин айтмоқда.

Совет кишилари қаҳрамон космонавтлар П. И. Беляев ва А. А. Леонов ўртоқларининг шижоатидан руҳланиб, мамлакатимизда порлоқ коммунистик жамият қуриш учун қилинаётган ижодий меҳнатда янги-янги зафарларни қўлга киритишга бел боғладилар. Бу улуғ курашга областимиз меҳнаткашлари ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча Тошкент область Советининг X чақириқ 1 сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда мандат комиссиясининг раиси қилиб депутат В. И. Козлов сайланди ва унинг доклади тасдиқланди.

1965 йил 14 мартда бўлиб ўтган маҳаллий Советларга сайловлар барча совет кишилари каби областимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига мустаҳкам жипслашганлигини, она-Ватан бойлигини ошириш учун ғайрат билан курашга ҳамиша тайёр эканлигини яна бир марта кўрсатди.

Маҳаллий Советларга бўлган бу галги сайловларда область, шаҳар, район, қишлоқ, посёлка ва овул Советларига 10.177 депутат сайланди. Сайлов коммунистлар билан партиясизларнинг мустаҳкам блоки ҳақиқий умумхалқ блоки эканлигини яна бир марта кўрсатди.

Сессия меҳнаткашлар депутатлари область Советининг ижроия комитетини сайлади. Область Совети ижроия комитетининг раиси ва ижроия комитет аъзоси қилиб депутат Э. Т. Шайхов сайланди.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарлари ва ижроия комитет аъзолари қилиб депутатлар Г. Г. Светленко, А. И. Бродова, Қ. А. Аҳмедов, И. Ҳ. Ҳидоятов ўртоқлар сайландилар.

Депутат И. Р. Раҳматов область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари қилиб сайланди ҳамда область партия комитети ва ижроия комитетининг партия-давлат контроли комитети раиси ҳамда ижроия комитет аъзоси қилиб тасдиқланди. Область Совети ижроия комитетининг секретари ва ижроия комитет аъзоси қилиб депутат М. Э. Эгамбердиев сайланди.

Депутатлардан М. А. Абдуразоқов, Р. Ғ. Ғофуров, И. А. Ли, А. С. Пономарев, К. Тошпўлатова, Я. К. Элчибеков ўртоқлар область Совети ижроия комитетининг аъзолари қилиб сайландилар.

Сессия область Совети ижроия комитети бўлим мудирлари ва бошқарма бошлиқларини тасдиқлади.

Депутат З. Р. Мухамедов — область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири, депутат И. Парсаев — область халқ маорифи мудири, депутат С. Р. Одилов — қурилиш ва архитектура ишлари бўлими мудири, депутат К. Тошпўлатова — социал таъминот бўлими мудири, депутат Я. К. Элчибеков — молия бўлими мудири, депутат С. Ё. Зокиров — ташкилий-инструкторлик бўлими мудири, депутат В. И. Жильцов — капитал қурилиши бўлими мудири, ўртоқ А. А. Севумян — ишчи кучларини ташкилий қабул қилиш ва кўчириш бўлимининг мудири, депутат Х. Т. Турдиев — автомобиль транспорти ва тош йўллар бошқармасининг бошлиғи, депутат М. М. Мирхўжаев — коммунал хўжалик бошқармасининг бошлиғи, депутат И. М. Пидаев — маданият бошқармаси бошлиғи, ўртоқ Б. А. Каюпов — кинофикация бошқармасининг бошлиғи, ўртоқ Қ. Қ. Узоқов — матбуот бошқармаси бошлиғи, депутат И. А. Ли — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи, депутат М. Ш. Шералиев — жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг бошлиғи, депутат И. А. Полвонов — сугориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи, депутат Ғ. О. Олимжонов — консерва ва виночилик саноати бўйича ихтисослаштирилган совхозлар бошқармасининг бошлиғи, депутат Ж. Ризаев — статистика бошқармаси бошлиғи, депутат Б. И. Воронюк — алоқа бошқармасининг бошлиғи, депутат О. У. Юсупова — савдо бошқармаси бошлиғи, депутат В. Комилов — ипакчилик бошқармаси бошлиғи, депутат С. Ш. Муталов — аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, депутат Р. Ғ. Ғофуров — план комиссиясининг раиси қилиб тасдиқландилар.

Сессия ўртоқ Қ. Хожиматовни область судининг аъзоси қилиб сайлади.

Сессияда қуйидаги 14 та доимий комиссия тузилди, уларнинг раислари ва аъзолари тасдиқланди: Бюджет ва молия, саноат, транспорт, ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, ирригация ва мелиорация, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданий ва оқартув, савдо ва умумий овқатланиш, социал таъминот, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш, социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш, физкультура.

Сессияда депутат Э. Т. Шайхов IX чақириқ меҳнаткашлар депутатлари область Совети депутатларига сайловчилар томонидан берилган наказларнинг қандай бажарилганлиги тўғрисида доклад қилди ва шу масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Сессияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразоқов, область партия комитетининг секретарлари А. С. Пономарев, К. Н. Бекаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Саҳибоев ўртоқлар қатнашдилар.

ФАЗОКОРЛАР Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИЛАР

Космонавтлар П. И. Беляев ва А. А. Леонов дам олганларидан сўнг 21 мартда КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Л. И. Брежнев улар билан телефон орқали суҳбатлашди.

Беляев ва Леонов ўртоқлар «Восход-2» кемасининг парвози вақтида топшириқни қандай бажарганликларини айтиб бердилар. Кайф-ҳолимиз жуда яхши, дейишди космонавтлар.

Л. И. Брежнев топшириқни муваффақиятли бажарганликлари учун Беляев ва Леонов ўртоқларга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан яна бир марта ташаккур айтди ҳамда партия ва ҳукумат раҳбарлари, барча москвалик-лар сизларнинг пойтахтга келишингизга мунтазир бўлиб турибдилар, деди. Қаҳрамонлар муносиб равишда шарафланади.

КОСМОДРОМ ЙЎЛИДА

ПЕРМЬ, 21 март. (ТАСС мухбири В. Пашин). Космонавтлар Павел Беляев ва Алексей Леонов Ерга қўнганларидан кейин икки кун дам олиб, шу жойдан Байқўнғир космодромига бораётганларида, бугун уларни пермликлар кўриш шарафига муяссар бўлдилар. Космос қаҳрамонларини «МИ-6» вертолети Пермь аэродромига олиб келди.

—...Павел Беляев ва Алексей Леоновни ҳаммадан олдин келган ёш болалар ўраб олишди. Улар болаларни елкаларига миндириб олиб ва кутиш учун келган одамларнинг орасидан ўтиб, аэровокзал биносига киришдилар. КПСС область комитетининг биринчи секретари К. И. Галаншин Пермь областининг меҳнаткашлари номидан азиз меҳмонларни мислсиз қаҳрамонлик парвозини эсон-омон тугаллаганликлари билан қизғин муборакбод қилди.

Шу ернинг ўзида, аэровокзал биносида космонавтлар журналистлар билан учрашдилар. Уларга одатдагидек «кайфингиз қалай?», деб савол беришга ҳожат қолмади: Павел Беляев ва Алексей Леоновнинг бардамлиги уларнинг чеҳраларидан очиқ кўриниб турибди. Илгариги космонавтларга берилмаган бир саволнинг жавобини эшитишга ҳамма сабрсизлик билан муштоқ эди. Бу савол Алексей Леоновга берилди. «Сиз кемадан сиртга чиққанингизда, ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?», деган бу саволга космонавт қисқа жавоб берди:

— Менда ҳеч қандай қаҳжон бўлмади. Поёни йўқ ва бағри беҳад кенг коинотни ҳис қилдим, ҳолос. Шу билан бирга, мен Ердаги одамларнинг, ёнгинамда, кема ичида турган кема командирининг яқинлигини мутлақо сезиб турдим...

Иккала космонавтнинг чеҳрасидан табассум аримади. Улар ўзларининг буюк парвозлари тўғрисида оддийгина, ҳатто одатдаги бир гап тариқасида ҳазил-ҳузул аскиялар қилиб, ҳикоя қилиб беришди.

Космонавтлар аэровокзалда нонушта қилиб, самолётга ўтиришди. Улар Байқўнғир космодроми томон йўл олишди.

* * *

БАЙҚЎНҒИР. Аэродром. Бу ерда Ватаннинг жасур фарзандлари Павел Беляев ва Алексей Леоновни кутиб олмоқ, уларнинг учиш вақтида адо этилиши лозим бўлган топшириқларни муваффақиятли бажарганликлари билан қутламоқ учун юзлаб кишилар тўпланди.

— Ана, самолёт келаётир! — деган жаранглама овоз эшитилди.

...Мана, самолёт ерга ҳам қўнди. Биз Павел Беляев ва Алексей Леоновнинг самолётдан чиқишларини сабрсизлик билан кутмоқдамиз. Самолёт эшиги очилди. Қарсаклар, «ура!» садолари. Ҳамма хурсанд, кайфи чоғ. Космос қаҳрамонлари бизнинг саломларимизга жавоб қайтарар эканлар, уларнинг учишларини тайёрлаган кишилар билан учрашганликларидан ўзларининг беҳад хурсанд эканликларини яширмайдилар. Яна қайта-қайта «ура!» садолари янграйди.

Павел Беляев билан Алексей Леонов трапдан пастга тушадилар. Улар учувчиларнинг қишлик курткасини кийиб олишган, шу ондаёқ дўстлар космонавтларни қучоқлаб олишади. Юрий Гагарин ва Владимир Комаров ўзларининг юлдуздош қардошларини биринчи бўлиб қутлайдилар.

Қаҳрамонлар давлат комиссияси аъзоларининг олдига шаҳдам қадам ташлаб борадилар.

— Ўртоқ давлат комиссияси раиси, учиш программаси тўла бажарилди, — деб рапорт беради кема командири Павел Беляев.

— Раҳмат! — деди-ю, раис космонавтларни маҳкам қучоқлаб олди.

— Балли, азаматлар! — дейди бош конструктор. Бу мақтаб айтилган қисқа сўз қаҳрамонларнинг программани аниқ бажарганликлари учун билдирилган ташаккурни ва улар мураккаб учиш вақтида юксак даражада марднлик кўрсатганликларига берилган баланд баҳони ифодалайди.

Бир секунд ўтар-ўтмас кутиб олувчилар космонавтларни яна ўраб олишади.

— Кайфингиз қалай?

— Жуда соз! — жавоб беришади икковлари бир йўла.

— расм чиза олдингми, Алёша?

— Қўлим тегмади. Келаси сафар чизаман.

Космонавтлар кутиб олувчилар ўртасидаги тор йўлдан юриб машина олдига борадилар. Космосни забт этган қаҳрамонлар билан ҳамма қўл олишиб кўришгиси келади, ҳамма уларни учишни муваффақиятли тамомлаганликлари билан қутлашни истайди.

Звездограддагиларнинг ҳаммаси гуллар, байроқлар ва траспарантлар билан ранг-баранг товланиб турган кўчаларга чиққан.

Павел Беляев билан Алексей Леонов очиқ машинада бормоқдалар. Уларнинг устига гуллар ёғдирилмоқда...

А. РОМАНОВ,
ТАСС махсус мухбири.
21 март.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1965 йил 23 март № 72 Москва шаҳри

Совет халқининг буюк ғалабасини, кема командири космонавт учувчи полковник Павел Иванович БЕЛЯЕВ, иккинчи учувчи космонавт учувчи подполковник Алексей Архипович ЛЕОНОВлардан иборат экипаж ичида бўлган кўп ўринли «Восход-2» космик йўлдош кемасини орбитага чиқаришни ва узоқ вақт парвоз қилишни ҳамда одамнинг тарихда биринчи марта кемадан бевосита космосга чиқишини таъминлаган олимлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг ғоят катта жасоратини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:

1965 йил 23 мартда Ватанимиз пойтахти — Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарларда тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб салют берилсин.

СССР Мудофаа Министри Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ҲУКУМАТИ РАҲБАРЛАРИНИНГ РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИДА БЎЛИШИ

Руминия Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонаси биноси пештоқидаги флагштокга тикилган давлат байроғи мотам муносабати билан бир оз эгилган. Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг раҳбарлари Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов ўртоқлар кундуз соат учда элчихонага келдилар. Улар халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Руминия ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси ўртоқ Георге Георгиу-Деж вафот этганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан Руминия Халқ Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Титус Синга чуқур таъзия билдирдилар.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари Георге Георгиу-Дежнинг қора мотам рамкасига олинган портрети олдида бир неча дақиқа мотам сукути сақладилар. Улар ўртоқ Георге Георгиу-Дежнинг порлоқ хотирасини ҳурмат қилиб, мотам дафтарига қўл қўйдилар. (ТАСС).



Бугун трактор-йигув заводининг кўпмингкишилик коллективи ўз корхонасининг катта байрамини нишонлайди. Завод тугилган кунга 10 йил тўлди. 1955 йилнинг эрта баҳорида шаҳар чеккасидаги «Чангалзор» маҳалласида «Ташмаш» заводининг биринчи корпуси қад кўтарган эди. У пайтда корхонани завод деб аташга ҳам тил бормас, бор-йўғи бир нечтагина станок бўлиб, ирригация машиналари ишлаб чиқарилар эди.

Ўн йил ичида заводнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Бу йил Ўзбекистон трактор-йигув заводи 17 минг трактор ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Заводнинг бутун республикага таниқлик машинасозлари ҳам эндигина корхона қучоғига келган, аммо самарали меҳнати билан танилиб қолган илғор ёшлари ҳам бор.

Йигувчи слесарь Ғани Дониёров ана шундай ёшлардан. Ғ. Дониёров ҳам тез, ҳам соз ишлайди. Суратда: Ғ. Дониёров иш устида.

А. Палехов фотоси.

МОСКВАЛИК ВА ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ИЗИДАН

АЪЛО СИФАТ УЧУН

Корхонамиз коллективи ўтган йил топшириқларини муваффақиятли адо этди. Кейинги тўрт-беш йил ичида корхонада 50 дан ортиқ турли хил янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди.

Ҳар бир корхонанинг тараққиёти ундаги технология жараёнларининг такомиллашганлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу масалага катта эътибор бераяпмиз. Айниқса рационализатор ҳамда ихтирочиларимизнинг ҳиссаси катта. Техника янгиликларини жорий этиш туфайли қўл меҳнати кескин камайди. Меҳнат унумдорлиги 18 процент ошди. Натижада корхона 900 минг сўмлик фойда кўрди.

Заводимиз кейинги уч йил ичида эмаль ва грунт ишлаб чиқаришни деярлик уч марта кўпайтирди. Бўёқ ва лак ишлаб чиқариш ҳам бирмунча ошди. Аввалари заводимизга хом ашё мамлакатимизнинг турли чеккаларидан келтирилар эди. Ҳозир бўлса корхонамиз ўз хом ашёси билан ишлаяпти. Яқингача пахта мойи бизда хом ашё сифатида ишлатиларди. Марказий лабораторияда бошқа техник мойлар топилганидан бери пахта мойини ишлатиш зарурати қолмади.

Коллективимиз фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини кенг жорий этмоқда. Оқ эмални ишлаб чиқаришда ультратовушдан фойдаланилади. Бу усул бўёқнинг аъло сифатли бўлишини таъминламоқда. Аввалари тўрт операция билан бажариладиган иш ҳозир бир операцияда амалга оширилмоқда. Бу йил эмаль тайёрлашнинг ўзидан камида 400 минг сўмлик фойда кўриш мажбуриятини олганмиз.

Коллективимиз Москва ҳамда Ленинград корхоналари коллективларининг маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан бошлаган ташаббусига қўшилиб ўз олдига аниқ вазифалар қўйди. Яқин тўрт йил ичида заводимизда ишланадиган маҳсулотнинг камида 90 проценти фақат аъло сифатли бўлади. Марказий лаборатория ижодкорлари ҳам, рационализатор ҳамда ихтирочилар ҳам шунга эришиш учун астойдил интилмоқдалар. Яқинда лабораторияда ишлаб чиқарилган янги хил белила аввалгисидан кескин фарқ қилади. Янги маҳсулот ҳаво ҳамда атмосфера босимининг ўзгаришига чидайди ва уч-тўрт йилгача ўз хусусиятларини йўқотмайди. Бу корхонамизда янги ишлаб амалга оширилган янгиликларнинг бири, холос. Ҳали олдинда кўп вазифалар турибди. Коллективимиз бу вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун курашаверади.

Т. УМАРОВ,
Тошкент лак-бўёқ заводининг ишчиси.

ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Чит. Паплин. Штапель... Бундай газламалар магазин прилавкаларида узоқ туриб қолмайди. Сабаби аниқ: кишилар арзон, пишиқ-пухта ва чиройли газламаларни иштиёқ билан сотиб олишади. Лекин баъзан бунинг тескариси ҳам бўлади. Худди шунақа газламалар узоқ вақтгача эгасини тополмай дўконлар омборида ётаверади. Бунинг сабаби нимада?

Шуни айтиш керакки, одамларнинг диди, гўзалликни ҳис этиш қобилияти кун сайин ўсиб боряпти. Газлама ҳар қанча пишиқ ва арзон бўлмасин ҳунук бўлса ҳеч ким уни сотиб олмайди. Гули, безаги эскириб қолган газламалар ўтмай қолиши аниқ.

Чиройли газлама яратиш учун юксак дид ва интилиш керак. Бундай ишни газламаларга жило бағишловчи, янгидан-янги гўзал гуллар аксини берувчи кишилар — дессионаторлар бажаришади.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг дессионаторлари ўтган йили сатин, штапель ва чит газламалари учун қирқдан ортиқ янги бадиий гуллар чизиб беришди. Осмон, булут, дарахт ҳамда яproқларни акс эттирувчи гўзал газламалар хотин-қизларимизнинг дидига мос келмоқда. Комбинат дессионеторлари бу йил ҳам рангба-ранг газламалар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга интилмоқдалар.

Комбинатда яқиндагина чиқарилган «Креп-482» газламаси харидорларга жуда манзур бўлянти. Бу газламада энг аввал кўзга ташланадиган нарса унинг нафислиги ва гўзаллигидир. Енгил саноат маҳсулотлари ассортименти ва кийимлар маданияти Бутуниттифоқ институтининг коллективи бу материални комбинатда ишлаб чиқарилган газламалар ичида энг яхшиларидан бири деб баҳолади.

Дессионатор Мария Лемеш ва Екатерина Романенко ўртоқлар бир қатор янги газламалар формасини ишлаб чиқдилар. Яқинда «Румбида» деб номланган янги газлама магазин прилавкаларига чиқарилади. Бу жуда юпқа, аммо пухта бўлиб, чиройли ишланганлиги, тоғ чўққиларининг тасвири акс эттирилган.

Дессионаторларнинг ҳар бир янги тасвири комбинат коллективи ўртасида кенг муҳокама қилинади. Меҳнаткашларнинг дидига мос келадиганларни танлаб олинади.

Б. ЭОЛИН.

РЕМОНТЧИЛАР АҲДИ

Қўйлиқ ремонт-механика заводи сўнгги йилларда анча кенгайди, қуввати ошди. Янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси запас қисмларни қайта тиклаш усулларини ўзлаштирилди.

Завод коллективи ўтган йилни яхши якунлади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 107,5 процент адо этилди. 1185 та Д-54 ва КДМ-46 маркали двигателлар ремонтдан чиқарилди. Пландаги 1200 ўрнига 1235 та гидропресс тайёрланиб, жойларга жўнатилди.

Коллектив аъзолари фақат сон эмас, айниқса сифатга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу соҳада кейинги йилларда талайгина ишлар қилинди. Коммунистик меҳнат коллективи номини олган мотор-ремонт цехида анча ўзгаришлар бўлди. Бу ерда поршень ва шатунларни ремонт қилиш узели механизациялаштирилди. Жуфт планжерларни қайта тиклаш цехига эса янги станоклар ўрнатилди. Аъло даражали аниқ ўлчов асбоблари билан тўлдирилди.

Корхонада кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юзга яқин киши махсус курсларда фан ва техника сирларини ўрганишди. Уларга инженер-техник ходимлари билан бирга малакали ишчилар ҳам дарс бердилар. Бундан ташқари заводнинг пешқадам ишчилари Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида бўлишиб, прогрессив иш усуллари билан танишиб қайтдилар.

Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективларининг маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича бошлаган ташаббуслари шу кунларда корхона бўйлаб кенг қанот ёзмоқда.

— Биз,— дейди завод бош инженери ўртоқ Р. Р. Сафаров, — маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича қатор ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқдик. Унда двигателларнинг гарантияли ишлаш муддатини 960 соатдан 1500 соатга етказиш белгиланган. Синов станцияси ишини такомиллаштирамиз. Шунингдек, маҳсулот сифатини ошириш бўйича энг яхши рационализаторлик таклифлари ойлиги эълон қилинади.. Ғолибларга мукофотлар ажратамиз.

Меҳнатсевар коллектив бу йил 2 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган. Корхона цехларида меҳнат кўтаринкилиги зўр. Ҳамма ғайрат билан қўзланган марра сари жадал бормоқда.

А. ОСТОНАҚУЛОВ.

ИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРАМИЗ

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Иш қуролинг ҳар доим шай бўлса, меҳнатинг натижаси янада баракали ва унумли бўлади. Унга эса, аввало, иш маданиятини яхшилаш, саноат эстетикасини кенг жорий қилиш билан эришиш мумкин. Чунки ишлаб чиқариш маданиятида гап кўп экан. Уни муттасил ошириб бориш ҳар бир коллектив зиммасидаги вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Буни ҳамма, шу жумладан коллективимиз ҳам жуда яхши тушунади.

Шуни ҳисобга олиб, конда иш маданиятини оширишга катта эътибор бераяпмиз. Ҳамма ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи бу хайрли ишга кенг жалб қилинди. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ўз таклиф ва мулоҳазалари билан кончилар меҳнатининг янада мароқли ва енгил бўлишига кўмаклашмоқдалар. Ҳамма ишлаб чиқариш участкаларида ҳам иш маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар кўриляпти. Бу давлат планларининг барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муттасил ортиги билан адо этилишига ёрдам бераётир. Ўтган хўжалик йили ва шу йилдаги икки ойлик меҳнатимиз якуни буни яққол кўрсатади. Барча касбдаги кончиларимиз меҳнатининг унумдорлиги янада баракали бўлди. У ўрта ҳисобда 103,4 процентни ташкил этди. Экскаваторларнинг иш унумдорлиги 2,3, бурғи станоклариники эса 7,4 процент ошди.

Коллективимиз етти йилликнинг охирги йилини ҳам яхши бошлади. Икки ойлик маъдан қазиб чиқариш топшириғи эшёдаси билан адо этилди.

Кейинги йилларда конда қатор янги, қудратли техника воситалари ишга туширилди, сермеҳнат жараёнлар камайди. Қўл меҳнати тобора кўпроқ суриб чиқарилмоқда. Ҳозир забойларимизда «ЭКГ-4-6» ва «ЭКГ-8» маркали қудратли экскаваторлар маъдан қазиб чиқармоқда. «БСШ-1М», «БСШ-2М» ва «П-20» маркали бурғи станоклари ер қаърида ётган маъдан қатламларини қидириб топишни анча тезлаштирди. Бу агрегатлар қуввати шу вақтгача фойдаланиб келинган бурғи станокларникига қараганда 4—5 баравар кўпдир.

Кон шароитида темирйўл қурилиши энг оғир ва мураккаб операциялардан ҳисобланади. Уни жуда ҳам эҳтиёткорлик билан қуриш керак, арзимаган хатоликка йўл қўйилса борми, поездлар аварияга учраши, пўлат ишлардан чиқиб кетиши ҳеч гап бўлмай қолади. Илгарилари шундай кўнгилсиз ҳодисалар бўлиб турарди. Эндиликда уларга чек қўйилди. Чунки темирйўл ишлари қуришда механизация воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳар бири ўнбеш, эллик гонна юк кўтарадиган, шунингдек бульдозер кранлари ва бошқа агрегатлар ишлатилмоқда. Бу темирйўлларни анча пухта, тез ва соз қуриш имконини бермоқда.

Коммизда ана шундай замонавий техника воситаларининг бўлиши ҳар бир ходимдан ишлаб чиқариш маданиятини муттасил ошириб боришни, технология процессларининг ички-чиқиришларига пухта билишни, техникани эксплуатация қилиш қоидаларига қатъий амал қилишни талаб этади. Турли-туман мураккаб ва қудратли механизмлар ҳамда асбоб-ускуналарнинг бузилмасдан ишлаши кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Шунинг учун ҳам коллективимиз бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. Бу соҳада жуда кўп тадбирлар амалга оширилди. Ишчиларга транспорт хизмати кўрсатиш яхшиланди. Илгари улар иш жойларига уч-тўрт километр пиёда юриб боришарди. Бунинг натижасида маълум даражада чарчаб қолишарди. Унинг касри ишга ҳам урарди. Сменалар алмашинадиган вақтда эса электровозлар, экскаваторлар ҳатто соатлаб тўхтаб ётарди. Эндиликда эса конинг барча ишлаб чиқариш участкаларига ишчилар автомашиналарда элтиб қўйилмоқда. Бунинг учун бир неча автомашина одам ташишга мўлжаллаб қайта ускуналанди.

Маиший комбинат реконструкция қилиниб, иши анча яхшиланди. Кончиларга хизмат қилиши керак бўлган бу комбинатдан ишчилар жуда камдан-кам фойдаланишарди. Ҳозир унинг хизматидан бахраманд бўлаётганлар сафи жуда кенгайди. Карьерлар ўртасида автомобиль йўли қурилишига алоҳида эътибор берилди. Отвал хўжалиги ва Шарқ карьерига борадиган йўл қурилди. Мавжудлари эса ремонт қилинди.

Кон участкаларида ишчиларнинг дам олиши, йиғинларни ўтказиш учун бирорта ҳам бино йўқ эди. Ҳозир эса деярли барча участкаларда бундай биналар бор. Бу биналар сиёсий-тарбиявий ишларнинг ҳам марказига айланиб қолди. Турли темалардаги лекция ва суҳбатлар, тушунтириш ишлари, ишлаб чиқаришнинг турли масалаларига оид йиғилишлар шу биноларда ўтказилмоқда. Бундан ташқари барча участкаларда иссиқ овқат пунктлари ташкил этилди. Бу пунктларда ҳар доим бир неча хилдаги иссиқ таомлар, чой бўлади.

Конда кадрларнинг техника ўқувини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Ҳар йили турли хил курслар, мактабларда машғулотлар ташкил этилади. Уларга жалб қилинган кончилар ўз малакаларини оширишади, қўшимча касбларни ўрганишади, илғор иш методларини ўртоқлашишади. Фақатгина ўтган йили 566 киши ана шундай курсларда ўқишди. Улар думпкарчилик, пармаловчилик, токарлик, темирчилик ва бошқа ҳунарларнинг сирлари билан таништирилди. Илғор тажриба мактаби ишлаб турибди. Бу ерда 30 киши пармаловчиликнинг илғор методларини ўрганишди. Конда ишчилар малакасини оширишга хизмат қилаётган бошқа курслар ҳам бор. Уларда ўтган йили 50 киши экскаватор машинисти, 30 киши йўл қурилиши ишчиси дипломини олдилар.

Иш маданиятини оширишга қаратилган бошқа жуда кўп чоралар ҳам кўрилди. Механика цехининг саноат майдончаси бетонлаштирилди. Коннинг флотация лабораториясида бино ичидаги ҳавони тозалайдиган кондиционер ўрнатилди. Аёллар учун гигиена хонаси жиҳозланди. Барча биноларнинг деворлари оқланди, станоклар кишн кўзини толиқтирмайдиган рангларга бўялди.

Лекин бу билан конда ишлаб чиқариш маданияти талабига тўла жавоб берарди даражада экан деган хулосага келиш мумкин эмас, албатта. Ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Айрим ишлаб чиқариш участкаларида иш маданияти кўнгилдагидек деб бўлмайди. Коллективимиз албатта бу соҳадаги камчиликларни бундан кейин ҳам камайтириб боради. Аммо айрим муаммоларни ҳал қилиш учун ёрдамга мухтожмиз. Чунки уларнинг уддасидан чиқа олмаймиз. Ана шундай масалаларнинг бири конда чангни камайтириш масаласидир. Аввало бу соҳада айрим ишлар қилинди. Улар яхши натижа бераяпти. Лекин умуман олганда забойларимизда чанг-тўзон кўп. Бу коллективимиз ишига маълум даражада салбий таъсир кўрсатяпти.

Ҳозир ҳар сменада уч-тўрт машина забойлардаги чангларни камайтиришда фойдаланиляпти. Бунинг учун сув сепадиган «ПМ-6» ва «ПМ-8» маркали машиналар, шунингдек «МАЗ-205» ва «ЯАЗ» автомобилларини қайта ускуналаб ишлатилмоқда. Лекин бу машиналар эҳтиёжни тўла қондиролмаяпти. Ёзда чангнинг тўла йўқотилишига эришиш учун ҳар сменада 15—16 машина ишлаши керак. Бунча машина эса бизда йўқ.

Экскаватор экипажларининг ишлаш шароитини яхшилаш ҳақидаги масала ҳам ҳамон ҳал қилинмаяпти. Буни ҳал қилиш мумкин. Фақатгина «ЭВР-2» вентиляция қурилмалари керак бўлади. Бизда эса бундай механизмлар йўқ. Шу ҳақда анчадан буён республика Совнархозига мурожаат қиляпмиз. Лекин бу ҳақли талаб жавобсиз қолмоқда, қуруқ ваъдадан нарига ўтилмаяпти.

Иш маданиятини янада оширишимизга ана шу камчиликлар ҳалақит бераяпти. Улар бартараф этилса, ишимизга янада барака кирган бўлур эди.

А. БЕРЕЗИН,
Олмалиқдаги Қалмоққир конининг директори.

УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА

ТАҚРИЗ

Шу йил май ойида совет кишилари ва социалистик мамлакатлар халқлари, бутун дунёдаги прогрессив инсоният фашистлар Германияси устидан қозонилган тарихий ғалабанинг 20 йиллигини нишонлайдилар. Улуғ Ватан уруши социалистик тузумнинг буюк фазилатлари ва афзаллигини бутун дунёга намойиш килди.

Уруш йилларида КПССнинг Совет социалистик жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи сифатидаги роли янада яққол намоён бўлди. Партия совет халқларини озодлик урушига сафарбар қилди, уларни фронтда ҳам, фронт орқасида ҳам бир мақсад сари — душманни тор-мор қилишга отлантирди.

КПССнинг фашизм устидан ғалабамизни таъминлаш йўлидаги курашида унинг таркибий қисми ва жанговар отряди бўлган Ўзбекистон партия ташкилоти ҳам муҳим ҳисса қўшди. Ўзбекистон Коммунистик партияси уруш йилларида республикамиз меҳнаткашларини фашизмга қарши курашга сафарбар қилиш ва фронт орқасида Ватан мудофааси учун зарур нарсаларни етказиб беришга етакчилик қилди.

Ўзбекистон коммунистларининг Улуғ Ватан уруши давридаги фаолиятига совет тарихчилари қатор мақола ва брошюралар бағишлаганлар. Лекин ана шу муҳим масалага бағишланган йирик батафсил тадқиқотлар ҳозиргача яратилмаган эди. Шу жиҳатдан олганда тарих фанлари кандидати Т. Жўраевнинг «Ўзбекистон Коммунистик партияси Улуғ Ватан уруши йилларида» номли монографияси диққатга сазовордир. 270 бет ҳажмида бўлган бу асар катта фактик материал асосида анча равон тилда ёзилган. У кириш қисми, беш боб ва хотимадан иборат.

Биринчи бобда автор республика коммунистик ташкилотининг урушнинг дастлабки давридаги фаолияти ҳақида сўз юритади. Гитлерчилар ҳужумининг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР халқлари билан бир қаторда адолатли озодлик курашига, Ватан ҳимоясига отландилар. Шу даврда ўзбек халқининг рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан ленинча дўстлиги ва биродарлигининг катта куч-қудрати айниқса ёрқин намоён бўлди.

Маълумки, урушнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонга 90 дан ортиқ йирик фабрика ва завод эвакуация қилинди. Ана шу корхоналарни жойлаштириш ва ишга тушириш, шунингдек 1346 корхонадан иборат республика саноатини асосан ҳарбий изга кўчириш, янги корхоналар қуриш ҳамда уларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш гоят катта куч ва тажриба талаб қиларди. Бунда маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, шу билан бир вақтда асбоб-ускуна, ёқилғи, хомашё ва электр қувватидан гоят тежаб фойдаланиш ва иқтисод қилиш, эвакуация этилган ва янги ишга туширилган корхоналарни зарур хомашё ва иш кучи билан таъминлаш вазифаси турарди.

Асар муаллифи иккинчи бўлимда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ана шу мураккаб ва шарафли вазифани муваффақият билан адо этганини далил ва мисоллар ёрдамида кўрсатиб беради.

Меҳнат фронтининг содиқ жангчилари сафида мамлакатимизда яшовчи жуда кўп миллатларнинг вакиллари—руслар, ўзбеклар, украинлар, қозоқлар, тожиклар ва бошқалар бор эди. Китобда ана шу меҳнат қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш зарбдорларининг қатор номлари тилга олинади. Уларнинг актив иштироки ва бошчилигида вужудга келган социалистик мусобақа янгича формалари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Монографиянинг учинчи бўлимида республика коммунистларининг уруш йилларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ошириш ҳамда дала меҳнаткашларининг пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш учун олиб борган кураши батафсил ёритилган. Бу масалалар Компартиянинг диққат марказида турди.

Ўзбекистон ана шу даврда ҳам Иттифоқимизнинг асосий пахта базаси вазифасини бажарди. Уруш йилларида республикамиз мамлакатга 4 миллион 806 минг тонна пахта етказиб берди. Шунингдек 54067 тонна пилла, 1 миллион 282 минг тонна дон, 482 минг тонна картошка ва сабзавот, 57444 тонна мева ва узум, 158 минг тонна гўшт, 22 минг 300 тонна жун ва бошқа хил маҳсулотлар етиштирилди.

Бу душман устидан қозонилган ғалабага ўзбек меҳнаткашлари қўшган жуда катта ҳисса бўлди.

Республикамиз зиёлилари ҳам умумхалқ курашида актив иштирок қилдилар. Шоир, ёзувчи ва барча адибларнинг овози урушнинг биринчи кунлариданоқ баралла янгради, кишиларимизни Ватан озодлиги учун курашга чорлади. Монографиянинг тўртинчи бўлимида интеллигенциямизнинг уруш йилларидаги катта хизмати ўз аксини топган.

Монографиянинг сўнгги, бешинчи бўлими Ўзбекистон Компартиясининг фронт билан алоқани мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятига бағишланган. Республикада Қизил Армия учун резерв қисмлар тайёрлаш, ҳарбий умумий таълимни жорий қилиш ва ҳоказо ишлар олиб борилди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Армиямиз учун мудофаа фондини тузиш ҳамда кўплаб ҳарбий техника ишлаб чиқариш учун пул маблағлари тўплаш ишида Ўрта Осиё Совет республикалари билан бир қаторда фаол қатнашдилар. Эвакуация қилинган неча минглаб жангчи оилалари, шунингдек, болалар ҳарбий хизматчи ҳамда уруш инвалидларининг оилалари тўғрисида ғамхўрлик қилишдек муқаддас инсоний вазифани Ўзбекистон ишчи ва деҳқонлари ўз зиммаларига олиб олий ватанпарварлик намунасини кўрсатдилар.


Мудофаа фонди учун маблағ тўплаш ҳаракатига қўшилиб Ўзбекистонликлар 1941 йил охирида бу фонд ҳисобига 40 миллион сўм пул, 50 миллион сўмлик давлат заёми облигациялари, 22 килограмм олтин ва кумуш, 2700 центнер дон, 18 минг дона тери, 12 минг килограмм жун ва ҳоказолар топширдилар.

Фронт билан бирдамлик туфайли шарафли курашда буюк ғалабаларга эришилди. Совет халқларининг армия билан бирдамлиги автор келтирган кўпгина ҳужжатлар ва фактлар билан тасдиқланади.

Умуман, китобда кўпгина тарихий ҳужжатлар ва статистика маълумотлари келтирилган, марказий ва маҳаллий партия ташкилотларининг фаолияти, меҳнат фронти қаҳрамонларининг ажойиб ишларига ҳам кўп эътибор берилган.

Хулоса қилиб айтганимизда, тадқиқотчи Т. Жўраевнинг мазкур монографияси Улуғ Ватан уруши тарихини ёритувчи муҳим илмий асардир. Бу китоб тарихчилар, пропагандистлар, ўқитувчи ҳамда Улуғ Ватан уруши тарихини ўрганувчи барча кишиларда шубҳасиз катта қизиқиш уйғотади.

В. Ш. БАГДАСАРОВ,
В. Г. ВЕРЯСКИН,
тарих фанлари кандидатлари.



«Узбекшахтострой» қурилиш трестининг 3-бошқармасига қарашли 2-участка бинокорлари қўлидан чиқаётган кўпқаватли шинам уйларда кончилар яйраб истиқомат қилишаяпти. Иккинчи участка коллективи ҳозирги кунда шаҳарнинг 45-кварталида қурилиш ишлари олиб бормоқда. Штатсиз рассомимиз М. Просянюй чизган бу суратда 75 квартирали янги уй-жой учун пойдевор қазилаётган пайт тасвирланган.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

УНИНГ ЮРАГИ

Совхоз хотин-қизлар Советининг раиси Тожихон опа партия комитетининг секретари Мастура Еқубова билан кўча эшигини очиб, ҳовлига киришганида у ерда ҳеч ким кўринмасди. Уларнинг овозини эшитиб, мўъжазгина уйдан оқ сариқдан келган бир аёл чиқиб келди.

— Келинглар, — деди у бироз жилмайишга ҳаракат қилиб.

Мастура опа уйнинг эгаси Ҳамида Тиллаева билан кўришаркан, дилидан ўтказди: «Елгизлик қурсин, эри вафот қилгандан кейин анча ўзини олдириб қўйибди. Ахир осонми, уч фарзанди бор экан, уларни кийинтириш, едириш керак. Бу ишларнинг ўзи бўлмайди-ку. Тожихонга раҳмат. Яхшиям у бизни бу аҳволдан хабардор қилиб бошлаб олиб келди. Ҳамида опанинг кўнглини кўтариш, унга далда бериш керак».

Меҳмонлар уйга киришди. Ҳамида опа дарҳол дастурхон тузаб, чой келтирди. Мастура опа ётиғи билан сўз бошлади.

— Биз сизнинг кўнглингизни сўрагани келганмиз, — деди у Ҳамида опага, — қийналиб қолганга ўхшайсиз, нима ёрдам керак, айтаверинг.

Меҳрибончиликларингиз учун раҳмат, — деди Ҳамида опа, — совхозда менга лойиқ бирор иш бўлса дегандим, лекин бир нарса қийнаб турибди. Болаларни...

— Болалардан ғам еманг, — деди Мастура опа, — уларни богчага жойлаштирамиз. Ўзингиз бўлса мана, шундоқ ёнгинангиздаги парникка чиқиб ишлайверасиз.

Боядан бери ўйланиб ўтирган Ҳамида опанинг чиройи очилгандек бўлди, юзларига табассум югурди. Мастура опанинг маслаҳатлари ўнга далда берган эди.

Улар анчагача уёқдан-буёқдан гаплашиб ўтиришди. Ҳамида опанинг кўнгли кўтарилиб, боши осмонга етди...

Бу воқеанинг бўлиб ўтганига бир йилдан ошди. Гап шундаки, Ҳамида опа совхоз территориясида яшаса ҳам лекин у совхозда ишламасди. Эри касалга чалиниб, оламдан кўз юмди. Ана шундан кейин Ҳамида опа нима қилишини билмай боши қотиб қолди. Шу орада совхоз партия комитетининг секретари Мастура Еқубова хотин-қизлар Советининг раиси ва аъзоси Тожихон опа ва Шарифалар унга ёрдам қўлини чўзишди.

Эртасига совхоз усталари Тиллаеванинг яшаб турган уйини ремонт қилиб янгилаб беришди. Совхоз ҳисобидан 50 килограмм картошка, 10 килограмм гуруч, пиёз, сабзи юборишди. Унинг икки ёш боласи богчада совхоз ҳисобидан тарбия қилинабошланди. Ҳамида опанинг 7-синфда ўқийдиган ўғлига Убай Маҳмудов номли мактаб директсияси, ўқитувчилар алоҳида меҳрибонлик кўрсатдилар. Мактаб коллективи унга бир сидра кийим қилиб берди.

Ҳозир Ҳамида Тиллаева оиласи пешайвонли икки хонали уйда яшашяпти. Бу янги уйни қуришда совхоз директсияси кўмаклашди. Ҳамида опа совхознинг ўртоқ Эргаш Ҳайдаров бошлиқ 2-бўлимидаги бригадада ошпазлик қилади. Совхоз партия комитети бу оиланинг аҳволидан, рўзғоридан хабар олиб туришни шахсан жонкуяр коммунист, хотин-қизлар Советининг аъзоси Н. Григорьевага биркитиб қўйган.

«Қорасув» совхози партия комитетининг секретари Мастура Еқубованинг жонкуярлиги, одамларга ғамхўр ва меҳрибонлиги ҳақида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мастура опа ҳозирги пайтда буйруқбозлик, мажлисбозлик, қарорлар қабул қилиш билан иш битмаслигини кўпроқ одамларнинг қалбига йўл топиб, уларнинг орзу-умидларини билиб олиб, рўёбга чиқаришга кўмаклашиш — бу ишнинг муваффақиятини таъминлайдиган энг маъқул йўл эканлигини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам уни қачон қараманг даладан, одамлар орасидан қидириб топасиз. Мастура опа коммунистлар иштирокида у ёки бу масала муҳокама қилиниб, тадбирлар белгиланганидан сўнг баъзиларга ўхшаб энди буёғи ўзи битаверади, деб хотиржамликка берилмайди. Ўша тадбирларнинг қандай амалга оширилаётганлигини ўзи назорат қилиб боради. Камчиликлар аниқланган-дай бўлса уни ўша жойнинг ўзида тўғатиш учун ҳаракат қилади. Коллективга ишонч, одамларни меҳнатга руҳлантириш — Мастура опага ҳаммавақт мадад бўлмоқда.

Ҳар бир ишнинг муваффақиятини кадрлар, одамлар ҳал қилади. Шунинг учун ҳам уларга меҳрибон ва ғамхўр бўлиш керак. Мастура опа ана шунга амал қилади. Совхознинг кекса ишчиси бир неча йиллар совхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган Ҳожиевой ота Йўлдошев ўғилларини уйлантириш ҳаракатига тушиб қолганини Мастура опа эшитиб қолди. У Ҳожиевой ота билан ҳам, унинг ўғиллари билан ҳам гаплашди. Эскича усулда тўй қилишнинг иқтисодий зиёнларини мисоллар билан тушунтирди. Ҳожиевой ота бунинг учун унга миннатдорчилик билдирди. Тўйлар янгичасига бўлди. Ҳаваскорлар тўгараги аъзолари тўйни бирам қизитишдики, асти қўяверинг.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳам партия комитетининг доимий диққат марказида туради. Совхоз марказида қурилган янги магазин ишга тушиш арафасида. Дала шийпонлари яхшилаб ремонт қилиниб, жиҳозланган. Колхозчиларнинг ҳақиқий дам оладиган жойига айлантирилган. Кўчма киноустановка доимо ишлаб туради.

Мастура опа ўз ишлари ҳақида жуда камтарлик билан гапиради.

— Аввало, — дейди у, — одамларнинг юрагини билиш керак, уларнинг меҳрини уйғотиш, ҳар бир ишчига очиқ кўнгиллик билан муносабатда бўлиш керак. Шунда кўпчиликнинг руҳланиб қилган меҳнати бениҳоя унумли бўлади.

Мастура опа ҳақ гапни айтди. Совхоз ўтган йили сабзавот етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотишда катта муваффақиятларни қўлга киритган, бу йил ҳам эртаги сабзавот экиш ишлари жадал ва сифатли бораётган экан, бунда колхоз коммунистларининг дарғаси, каттадан-кичикнинг иззат ва ҳурматига сазовор бўлаётган Мастура Еқубованинг ҳам ҳиссаси бор.

Ш. НУРИДДИНОВ,
О. ФАЙЗИЕВ,
совхоз ишчилари,
С. МУҲИДДИНОВ,
«Коммунизм тонги» газетасининг ходими.

ДАДИЛ ҚАДАМ

Замонамиз машиналар замони бўлиб қолди. Эндиликда ўртага: «қишлоқда яшаяпсанми, техникани эгалла, техникага ихлос қўй» деган шиор ташланаяпти. Ана шу жанговар шиорга қатъий амал қилаётган пахтакор деҳқонлар ўз соҳаларидан оғир қўл меҳнатини суриб чиқаришга, дала ишларини комплекс механизациялаштиришга бутун эътиборларини қаратмоқдалар.

Ана шундай пешқадам деҳқонлар орасида бизнинг колхозимиз аъзолари ҳам бор. Биз комплекс механизациялаштириш борасида бир неча йиллардан буён катта-катта тадбирларни амалга ошираяпмиз. Бу йилдан бошлаб эса умумхалқ аҳамиятига эга бўлган муҳим тадбирга бутун диққат-эътиборимизни қаратаяпмиз. Колхозимизда комплекс механизациялаш соҳасида дадил қадам қўйилди.

Илгари мавжуд бўлиб турган бригадалар тугатилиб, уларнинг ўрнига комплекс механизациялашган пахтачилик звенолари тузилди. Бу звеноларнинг ҳаммасига техника соҳасида ҳам, деҳқончилик соҳасида ҳам бир мунча тажриба орттирган механизаторлар бошлиқ қилиб тайинланди. Уч ёки тўрт звенога раҳбарлик қилиш учун колхоз бўйича учта участка тузилди. Уларга ҳам суяги деҳқончиликда қотган тажрибакор кишилар раҳбар қилиб тайинланди.

Пахтачилигимиздаги бу ўзгаришлар эндиликда деҳқонлардан катта масъулият талаб этаяпти. Колхозчиларимиз буни яхши тушунган ҳолда енг шимариб ишга киришиб кетдилар. Мана, ҳозир баҳорнинг қимматли дамлари ўтиб бораяпти. Деҳқонларимиз шу дамларни зое ўтказмасдан темирни қизиғида босиб қолишга ҳаракат қилаяптилар. Кўкламги чигит экиш кампаниясига колхозимизда дарҳол ҳамма тараддуд кўриб қўйилди, десак бўлади. Бу йил 550 гектар ерга чигит экилади. Гектар бошига камида 31 центнердан «оқ олтин» кўтаришга астойдил бел боғланган. Азамат механизаторларимиз қиши билан фидокорона меҳнат қилиб, кўкламги дала ишларига зарур бўлган барча техника воситаларини, жумладан чигит экиш агрегатларини пухта ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйдилар. Ҳозир эса улар ўз «пўлат от»лари билан экин майдонларини текислаяптилар, борона қилаяптилар. Қолган колхозчиларимиз эса далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришни қизғин давом эттиришяпти, уват ва марзаларни текислаб, ерга ер қўшишаяпти.

Бизнинг бригадамиз деҳқонлари ҳам экиш тараддудини кун сайин қизғинтиб юбормоқдалар. Чунки улар чигит экиладиган долзарб дамлар бошланишига саноқли кунлар қолганини яхши билишади. Звеномизга 50 гектар ер биркитиб берилди. Пландаги 32 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдик.

Биз куздаги машина терими тўғрисида ҳозирданоқ қайғираяпмиз. Негаки, машина терими-нинг муваффақияти ўша йиғим-терим кезларида кўрсатиладиган ғайрат-шижоатгагина боғлиқ эмас, балки ерни текислашдан бошлаб, чигит экиш, яганалаш, гўзани парвариш қилиш ва бошқа тадбирларга ҳам боғлиқ. Шунинг учун биз ҳозир ерларнинг ниҳоятда текис бўлишига эътибор бераяпмиз. Ер қанча текис бўлса, чигит шунча сифатли экилади, квадратлар шунча аниқ чиқади. Бу эса машина терилишининг ҳам, пахта ҳосилдорлигини оширишнинг ҳам муҳим гаровларидан биридир.

Экиш кампанияси яқинлашган сайин колхозимизда, шу жумладан бизнинг звеномизда экиш агрегатларининг экипажларини танлаш ва ўқитишга катта аҳамият берилаяпти. Колхозимизнинг ўзида махсус курс очилган. Унда чигит экадиган механизаторлар, сеялкачилар қайта тайёргарликдан ўтишяпти.

Ишончимиз комилки, бу йилги чигит экиш кампанияси бизда ҳам қисқа муддатда замонали ўтади.

Ў. ТЎЛАГАНОВ,
Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг комплекс механизациялашган звено бошлиғи.

ИЛҒОР ЗВЕНО

Ўртоқ Бобоқул Эшонқулов бошлиқ комплекс механизациялашган звено аъзолари шу кунларда зўр ғайрат кўрсатиб чигит экишга тайёргарлик кўришаяпти. Звено аъзолари бутун ишни кўргонтепаликлар тажрибаси асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйишди.

Зиммага олинган юксак мажбуриятни шараф билан бажариш ваз-ифаси ҳар бир звено аъзосини кундан-кунга яхшироқ ва самарлироқ меҳнат қилишга чорлаяпти. Шу кунларда звенонинг пахта даласида бўлган киши деҳқонлар тараддудини кўриб хурсанд бўлади.

Мана, звенонинг кенг картаси. Кузда шудгор қилинган ерлар текисланаяпти. Карта четлари эса қайтадан ҳайдалиб, юмшатилмоқда. Бир неча деҳқон далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш билан банд. Звено аъзолари ҳар гектарга камида 8—9 тоннадан гўнг ташиб чиқаришни планлаштиришган. Ҳозирги иш ана шу планни муваффақиятли бажаришга қаратилган.

Звено аъзолари билан гаплашиб қолсангиз, улар бу йил ёғингарчиликнинг кам бўлганлигидан нолишиб гапиришади. Шу сабабли, дейди улар бу йил тупроқда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ нам сақлашга ҳаракат қилаяпмиз. Звено аъзолари мавжуд техникадан фойдаланиб, ҳайдалган ерларни молалаб, тупроқнинг намини сақлашга ҳаракат қилишаяпти.

Насиба Меҳмонова, Одилжон Очилов, Камол Абдушукуров каби колхозчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли ариқ-зовур тозалаш ҳаммадан олдин тамомланди.

— Биз, — дейди звено бошлиғи, — экишгача бўлган ҳамма ишларни узоғи билан бир ҳафтада бажариб қўямиз. Ҳаво юришиб кетиши билан экишга киришамиз. Бу ишни ҳам қисқа муддатда муваффақиятли тамомлаш учун янада зўр ғайрат кўрсатамиз. Ерга барвақт уруғ ташлаб, гўзанинг тез ривожланишига ва арта ҳосилга киришига эришамиз. Бу соҳада илғор агротехника фани ютуқларидан ва техникадан моҳирлик билан фойдаланамиз.

Ғ. ТУРСУНҲЎЖАЕВ,
Чиноз. «Қизил Октябрь» колхози.

ПИЛЛАЧИЛАР ТАРАДДУДИ

Ўтган йили 14500 килограммдан ошириб пилла тайёрлаган Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг азамат пиллачилари давлат планини ҳам, социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажарган эдилар. Улар бу йил ҳам юксак мажбурият олишган. 280 қути қурт уруғи боқиб, давлатга 17000 килограмм пилла топшириш учун шу кунлардан бошлаб тайёргарлик ишларини қизитиб юборишди.

Олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун колхозчилар пиллачиликнинг озуқа базаси бўлган тутзорларини ривожлантиришга ҳар тарафлама эътибор бермоқдалар. Улар колхоз территориясидаги мавжуд 28 гектар майдондаги тут плантацияларига минерал ўғитлар солиб, тагини трактор билан ҳайдаб қўйишди. Шунингдек, ариқ чеккаларидаги, йўл ёқаларидаги тутларни тагига ўғит солиб юмшатилди.

Бўлардан ташқари колхозда пиллачиликни келгусида янада ривожлантириш учун бирканча тадбирлар амалга оширилди: мавжуд тутзорлар кенгайтирилиб, янгилари барпо қилинмоқда. Шу мақсадда бу йил 12 минг туп тут кўчати ўтказиш, янги-янги қуртхоналар қуриш ва мавжудларини ремонт қилиш каби ишларини қизитиб юбордилар.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ВАЛЕНТИН ТЮПКОНИНГ ЯНГИ АДРЕСИ

ЯНГИЙЎЛ, 20 март. (ЎзТАГ). Мамлакатнинг машҳур механизатори, Ўрта Осиё машина синаш станциясининг старший инженери В. Тюпко 2-«Оққўрғон» совхозидан Янгийўл районига кўчиб, адресини ўзгартирди.

В. А. Тюпко ўзининг пахта етиштиришни комплекс механизациялаш соҳасидаги бой тажрибасини бу мавсумда Калинин номли ва «Интернационал» колхозларининг механизаторларига ўргатишга қарор берди. Бу колхозларда механизациялашган етти звено тузди. Ҳар бир звеногa 35—45 гектар ер биркитиб қўйилди. Звеноларнинг ҳаммаси механизаторлар билан тўла таъминланди. Техника ремонтдан чиқариб қўйилди.

Комплекс механизациялашган звенолар бу йил ерга тўқсизлантириб, устн махсус дорига ўралган чигит экмоқчилар. Бегона ўтлар «монурон» гербициди ёрдами билан қириб ташланади. Бу гербицид айни маҳалда пахта ҳосилдорлигини оширади.

Звеноларда меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш тартиби жорий қилинди. Ҳар бир пахтакорга беш гектар ғўза тўғри келади.

Калинин номли колхозда механизаторлар гектар бошига 27 центнер, «Интернационал» колхозининг тошлоқ ерларида эса 22,5 центнер ҳосил етиштириб, шунинг ҳаммасини терим машиналари билан йиғиштириб олмоқчилар.



Яқинда 1-«Оққўрғон» совхозида агрозоотехника кенгаши тузилган эди. Шу кунларда кенгаш аъзолари чигит экишолди дала ишларини намунали ўтказиш юзасидан қизғин иш олиб бормоқдалар. Суратда: (чапдан): механизатор — звено бошлиғи Н. Эшмуродов, агрозоотехника кенгаши раисининг ўринбосари У. Норбеков ва звено бошлиғи Т. Қурбонов ўртоқлар совхозининг тупроқ картаси олдида ўзаро суҳбатлашмоқдалар. В. Салов фотоси.

ТУПРОҚНИ ЭКИШГА ТЕЗРОҚ ТАЙЁРЛАНГ

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Шу кунларда республикамиз меҳнаткашлари етти йилликнинг сўнгги йилини муваффақиятли якунлаш йўлида зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Маълумки, ўтган йили пахтакорларимиз чакки ишламадилар. Илғор агротехника фани ютуқлари ва механизация ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиниши орқасида пахта тайёрлаш йиллик план муваффақиятли равишда ошириб бажарилди.

Пахтакорларнинг бу йилги режалари яна ҳам улкан. Улар янги марраларни эгаллаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришни таъминлашда кўклам экиш кампаниясига барвақт тайёргарлик кўриш катта аҳамиятга эга. Ҳозир пахтакорларимизнинг бундан ҳам муҳимроқ ишлари йўқ. Чигит экиш кампаниясига жуда оз қолди. Яқин кунларда ҳамма ерда экишга киришилади. Бу ишни қисқа вақтда юқори савияда ўтказиш ғоят катта аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам ҳар бир ғаниматкундан унумли фойдаланиб, майдонларни экишга тахт қилиб қўйишимиз керак. Айниқса уруғни тупроқнинг ўз намида ундириб олиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан деҳқонларимиз ҳар бир картада кўпроқ нам сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқлари керак.

Союз НИХИдаги тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, баҳорда борона қилинмаган ерларда ҳар гектарига 5.0 дан 6.0 кубометргача нам ҳавога учиб кетади. Вақтида борона қилинган ерларда эса намнинг учиб кетиши 2,5—3 баравар камаяди.

Тупроқда намни кўпроқ сақлаб қолиш учун ҳар бир хўжаликда барча зарур чораларни кўрмоқ керак. Бороналардан фойдаланиб, уларнинг икки сменада ишлатилишини кенг йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, ҳар бир тракторчи учун кундалик топшириқ конкрет равишда белгиланиб қўйилган бўлсин. Шу билан бирга тракторчиларнинг унумли ишлаши учун ҳамма шарт ва шароитлар яратиб берилсин.

Пахта ерларини тезда борона қилишнинг аҳамияти яна шундан иборатки, айниқса бу йил ёғингарчилик кам бўлди. Тупроқ аввалги йилларгагига нисбатан унча кўп намга эга эмас. Буни ҳисобга олиш лозим. Ҳайдаган ернинг кўндалангига қараб борона қилиш айниқса катта аҳамиятга эга. Бундай иш ташкил қилинса, карталар текис бўлади. Бороналашда ўрмаловчи тракторлардан кўпроқ фойдаланиб, ҳар бир тракторга 8—10 тадан боронани тиркамоқ керак.

Маълумки, ҳамма карта ҳам бир хил шароитга эга эмас. Баъзи жойларда сизот сувлари яқин, баъзи жойларда эса ер ости сувлари анча паст. Колхоз ва совхозларнинг агрономлари ана шуларни ҳисобга олган ҳолда бороналашни аниқ планли равишда ташкил қилмоқлари керак.

Бороналанган ерларни пешма-пеш экишга тайёрлаш айниқса, ариқ ва увот четларини текислаш катта аҳамиятга эгадир. Ер текислашда барча воситаларни ишга солиш керак.

Тўғри, областнинг бир қатор хўжаликларида ерга ўғит солинмасдан туриб ғўзапояси билан ер ҳайдалди. Ерингарчиликнинг кам бўлиши орқасида тупроқ остига тушган ғўзапояларнинг анчагина қисми чиримай қолди. Энди ана шу ғўзапояларни йиғиштириб, сўнгра чигит экиш керак бўлади. Бу ишда чизель ва бошқа техникадан фойдаланиш ўринлидир.

Деҳқонларимиз чигит экиш вақтида ерга ўғит солишни унутмасликлари зарур. Ҳар бир гектар ерга 25—30 килограммдан азот ва фосфор солиш тавсия этилади. Бу эса ҳосилдорликни гектар бошига камида 2—3 центнерга оширишга хизмат қилади.

Чигит экишга тайёргарлик кетаётган шу кунларда ҳамма карталардаги бегона ўт илдизларини териб олишга катта эътибор бериш керак. Буни қанчалик уюшқоқлик билан ташкил этсак, уруғлик тупроққа бир текисда тушади, кўчат шунча кўп бўлади. Бегона ўтларни илдизларни йиғиштириб олишда чизель, борона ва бошқа воситалардан фойдаланилса бу иш яна ҳам тезлашади.

Ер бороналаниб бегона ўтларнинг илдизлари йиғиштириб олингандан кейин ернинг талабига қараб чизеллаш зарур. Бунда 10—12 сантиметр чуқурликда ўтказиш зарур.

Текисланган ерларга чигит ташлаш квадратларнинг аниқ бўлишига хизмат қилади. Шу сабабли ҳам ҳозирдан бошлаб экиш агрегатларини ва экипаж аъзоларини тайёрлаб қўйиш керак. Шу билан бирга жойларда амалий машғулотларни ўтказиш энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган ишларимиздан биридир.

Кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўриш ҳар бир деҳқоннинг янада фидокорона меҳнат қилишини талаб қилади. Биз ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим, звенода ишни шундай ташкил қилайликки, чигит экиш кампанияси қисқа муддатда юқори агротехника талаблари даражасида ўтсин. Ана шундагина гектарларда кўчатлар тўлиқ бўлади.

П. ЯЗИКОВ,
СоюзНИХИнинг старший илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.
Л. МЯКИШЕВ,
илмий ходим.

ГИДРОПОН УСУЛИДА КЎК ОЗУҚА

Чорва молларига гидропон усулида кўк озуқа етиштириб беришни 1960 йилдан бошланди. Ўшандан буён кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин бу усул ёш чорва моллари ва паррандаларнинг витамин етишмаслигидан келиб чиқадиган касалликларига қарши курашишда кенг қўлланила бошланди.

Гидропон усулида кўк озуқа етиштириш учун бошоқли ва дуккакли ўсимликлар дони, оқ жўхори, маккажўхори ҳамда бошқа экинларнинг уруғидан фойдаланиш мумкин. Ўруғликнинг мўғори ва спорали замбруғчаларини йўқотиш учун у симоб-кварц лампаси ёруғида 15—20 минут давомида нурлантирилади. Сўнгра дон уй ҳароратида 18—24 соат сувга бўктириб қўйилади. Сувда дон унабошлайди. Дон унгач у сувдан олиниб, ҳажми 60х60 сантиметр ва баландлиги 5 сантиметр бўлган махсус идишларга солинади.

Унган дон шу вақтдан бошлаб озуқа эритмаси билан озиқлантириб борилади. Эритма таркиби, 500 литр сувга ҳисоблаганимизда, қуйидагича бўлиши керак: калий селитраси 250 грамм, суперфосфат — 250 грамм, аммиак селитраси — 100 грамм, олтингугурт кислотали магний — 150 грамм, хлорли кобальт — 26 грамм, хлорли темир — 3 грамм, бор кислотаси — 360 миллиграмм, олтингугурт кислотали мис — 10 миллиграмм, олтингугурт кислотали рух — 30 миллиграмм ва олтингугурт кислотали марганец — 220 миллиграмм.

Агар суперфосфат донадор бўлса, у эзиб майдаланади ва эритма ҳосил қилиш учун бошқа аралашмаларга қориштирилади.

Ўсимлик тайёрланган эритма билан бир кеча-кундузда икки марта озиқлантирилади. Бунинг учун эритма донлар устига қуйилади-да, 2 соатдан кейин тўкиб ташланади. Сули, арпа, нўхат донидан кўк озуқалар ўстирилаётганида ҳарорат 24—28 даража атрофида, маккажўхори ва оқ жўхори донидан ўстирилаётганида эса 28—30 даражада бўлиши керак.

Кўк озуқа учун ўстирилаётган ўсимликларда витаминлар тўпланишининг вегетацион даври ҳар хилдир. Масалан, сулида бу давр 7 кунга, арпада 8—10 кунга, нўхатда 8 кунга, маккажўхорида 10—12 кунга ва оқ жўхорида 12—14 кунга тенгдир.

Гидропон усулида кўк озуқа етиштирилаётган ҳар бир квадрат метр жойдан 50 килограммгача маккажўхори, 35 килограмм нўхат, 28—30 килограмм оқ жўхори 25 килограмм арпа, 25 килограмм сули массаси олиш мумкин.

Молларга кўк озуқа бериш нормаси ҳам турлича. Сигирларга 500 грамм ва ундан кўп, бузоқларга 100 грамм, чўчқаларга 150 грамм, паррандаларга эса 10 грамм кўк масса берилади.

С. МИРЕЦКИЙ.

СУТ СОҒУВЧИЛАР РАПОРТИ

Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётган Юқори Чирчиқдаги 12-совхозининг моҳир сут соғувчилари квартал планини муддатидан бир ой илгари бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти берган эдилар. Шундан кейин ҳам улар сураётни сусайтирмадилар. Ҳозиргача давлатга сут сотиш квартал плани 115 процентдан ошириб юборилди. Эл дастурхонига 440 центнер ўрнига 500 центнердан кўпроқ серқаймоқ сут етказиб берилди.

Бу ютуқда пешқадам сут соғувчилардан Елизавета Логинова, Настя Ястребова сингари ўртоқларнинг ҳиссаси катта. Сут соғувчилар квартал охирига қадар яна 120 центнер сут соғиб олишга аҳд қилдилар.

Шунингдек, райондаги 7-совхознинг сут соғувчилари ҳам квартал планини 115 процентдан ошириб адо этдилар.

М. ИСМОИЛОВ.

САБЗАВОТКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Калинин районидаги Охунбобоев номли йирик сабзавотчилик колхози аъзолари шаҳар меҳнаткашларига мўл-кўл ноз-неъматлар етиштириб бериш иштиёқида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Мириштикор деҳқонлар Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ва республика Олий Совети Президиумининг сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан кечагина қабул қилган қарорини меҳнатда кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар.

Шу кунларда колхоз далаларида эртаги сабзавот экиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Экиш ишларида иккинчи бўлимнинг Зокир Аҳмедов бошлиқ 10-бригадаси меҳнатсеварлари олдинда боришаяпти. Бригадада эртаги сабзавот экишга анча барвақт киришилди. Ҳозир бригаданинг 54 гектар еридан 13 гектарига эртаги картошка, 5 гектарига карам экилди. 6 гектарга сабзи ва 12 гектарга пиёз уруғи сепилди. Қолган 14 гектар ер маҳаллий ҳамда минерал ўғитларга етарли тўйинтирилиб, помидор ва кечки картошка экиш учун тайёрлаб қўйилди.

Бу хўжалик йилида азамат сабзавоткорлар 700 тоннага яқин сабзавот етиштиришга бел боғлашган. Уларнинг аҳди карамнинг ҳар гектаридан 25-28 тоннадан, картошканинг ҳар гектаридан 13 тоннадан баракали ҳосил кўтаришдир. Бригада шижоаткорларининг шу кунги меҳнат ғайрати зиммага олинган вазифанинг муваффақиятли адо этилишидан дарак бераяпти.

А. ҲОЖИХОНОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ПЛАНЕТАНИНГ ҲАММА ТОМОНИДАН

ЮЛДУЗЛАР САРИ!

«ВОСХОД-2»нинг парвози, деб ёзади Венгриядаги «Непсабадшаг» газетаси, — жуда катта воқеа бўлди. Бу парвоз космосни забт этишда янги давр очди — одамнинг ойга ва қўёш системасининг бошқа планеталарига бориб етишига, юлдузлар сирини тадқиқ қилмоқ, топмоқ ва бу сирлардан фойдаланмоқ учун узоқ самовий жисмларга қадам қўйишига йўл очиб берди. Телевизорларнинг экранларида кўрганларимиз инсоннинг юлдузлар сари қўйган биринчи қадами бўлди.

Бу штурмни совет кишилари бошлаб берганликлари билан, мисолсиз жасоратларнинг негизи социализм эканлиги билан фахрланамиз, деб таъкидлайди «Непсабадшаг» газетаси.

* * *

Америка космонавти Скотт Карпентер «ВОСХОД-2» экипажининг космик парвозига «Бу чинакам жасорат бўлди», деб баҳо берди.

«Дейли ньюс» газетасининг обзорчиси Рой Кромлейнинг ёзишига қараганда, Америка олимлари АҚШнинг Совет Иттифоқига ракета космик техникаси соҳасида яқин йиллар ичида етиб олиши мумкин эмас, деб ҳисобламоқдалар. «Леоновнинг жасорати, — деб ёзади Вашингтондаги «Стар» газетаси, Совет Иттифоқининг космосдаги позицияси жуда маҳкам ва ҳатто улуғвор эканлигини мутлақо равшан намойиш қилди...».

* * *

Таниқли француз ёзувчиси ва олими Альбер Дюкро, ҳар сафар руслар қандайдир шотига чиқаётгандек космосда тобора баландга кўтарилмоқдалар, деди.

Франциядаги «Юманите-диманш» газетаси совет космик кемаларининг мукамаллигини таъкидламоқда. Қор босган тайгага бемалол қўнишнинг ўзи совет космик кемаларининг ҳар қандай районга ва ҳар қандай жойга бемалол қўна олишини кўрсатиб турибди, деб ёзади газета.

* * *

Чехословакиядаги «Праце» газетаси бундай деб ёзади: Совет Иттифоқининг космосда қўйган бирорта қадами ҳам олдинга қўйилган қадамларни такрорламади, шу қадамларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос хусусиятлари бор, уларнинг ҳар қайсиси фанга янгилик берди. «ВОСХОД-2»нинг парвозини қадам деб бўлмайди, балки бу парвоз космосни тадқиқ қилишда олга томон сакрашдир. Прагадаги яна бир газета — «Свободне слово» газетасининг ёзишига қараганда, «ВОСХОД-2»нинг космосга қилган сафари СССР планеталараро фазони тадқиқ қилишда биринчиликни қўлдан бермаётганлигини кўрсатиб турибди.

ТАССНИНГ ЯКШАНБАЛИК ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ЯНА БИР АГРЕССИЯ ҲАРАКАТИ

21 мартда Америка ва Жанубий Вьетнам самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига ҳужум қилди. Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабарида айтилишича, Жанубий Вьетнамнинг 26 самолёти ва Американинг 35 самолёти демаркация линиясининг 25 километр шимолидаги Вукон районини бомбардимон қилди. Шу ҳужум вақтида самолётлар 50 тонна бомба ташладилар.

ЖАҲОНДАГИ ҲАММА МАМЛАКАТЛАРНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИГА МУРОЖААТ

Вьетнам касаба союзлари федерацияси жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни Америка империалистларидан Жанубий Вьетнамдаги агрессив урушни ва Шимолий Вьетнамга қарши қилинаётган ҳарбий игвогарликларни гўхтатишга чақирди. Вьетнам касаба союзлари федерациясининг жаҳон касаба союзлари федерациясига, Жанубий Вьетнам меҳнаткашлари ва халқи билан бирдамлик халқаро комитетига ва жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг касаба союз ташкилотларига юборган телеграммаларида ҳам шундай талаблар қўйилган.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик ташкилотининг доимий секретариати Вьетнам халқининг АҚШ империализмига қарши кураш бошлаганига 15 йил тўлганлиги муносабати билан баёнот эълон қилди. Баёнотда айтиладики, АҚШнинг ҳарбий кемалари ва самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг шаҳарлари ва қишлоқларини тўхтовсиз ўққа тутаётганлиги ва бомбардимон қилаётганлиги жаҳондаги тинчликсевар ва эрксевар халқларни ғазаблантирмоқда.

Доимий секретариат бутун дунё халқларини Вьетнам халқи билан ўзларининг бирдамликларини тағин ҳам активроқ намойиш қилмоқ учун кенгроқ равишда биргаликда ҳаракат қилишга чақирди.

ПАРТИЗАНЛАРНИНГ ЗАФАРЛАРИ

Жанубий Вьетнам партизанларининг муваффақиятли ҳужумлари натижасида Жанубий ва Марказий Вьетнам сохилларидаги темир йўлларнинг баъзи участкаларида поездлар қатнови тўхтаб қолди. Куанг-нгай районида партизанлар қўйган миналарга урилиб, поезд портлаганлиги натижасида қатнов 24 соат тўхтаб қолди. Куанг-нгайдан 5 километр наридаги кўприк портлаб, темир йўл ҳаракати номаълум вақтгача тўхтатиб қўйилди. Суанг-лок районида ҳам поездлар қатнови тўхтаб қолди.

ЯДРО ҚУРОЛИГА ҚАРШИ БЎЛГАНЛАРНИНГ ОВОЗИ

Ғарбий Германияда ядро қуролига қарши бўлганларнинг кўкламги юришларига тайёргарлик кўриш кампанияси тобора кенгаймоқда. Бу йилги «тинчлик юришлари»да Германия Федератив Республикаси аҳолисининг турли табақаларидан бўлган минглаб кишилар қатнашади. Бу «тинчлик юришлари» Ғарбий Германия ядро билан ҳар қандай формада қуролланишдан воз кечсин, Марказий Европа атомсиз зонага айлантирилсин, деган шиор остида ўтказилади.

Франкфурт-на-Майнда ўтказилган митинг қатнашчилари Германия Федератив Республикасининг аҳолисига, аввало ёшларга мурожаат қилиб, уларни тинчликни ҳимоя қилишга, атом урушн хавфига қарши курашга бағишлаб ўтказилаётган юришларда қатнашишга чақирдилар.



Суриянинг шарқи-шимолидаги Қамишли районида совет мутахассислари ёрдамида нефть конлари разведка қилинаяпти. Бу ерга Совет Иттифоқидан зарур асбоб-ускуналар келтирилди. Суратда: Совет ва Сурия нефтчилари «Румелан-5» конида.

Л. Медведко фотоси, (ТАСС-фотохроникаси).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 23 МАРТ 1965 ЙИЛ.



ХОТИН-ҚИЗЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Товоқсой посёлкасидаги кутубхона ҳузурида хотин-қизлар учун ташкил этилган университет ўз ишини бошлади. Университет тингловчилари Макаренко номидаги 55-мактаб ўқитувчиси Л. М. Горбунованинг «Оилада болаларнинг эстетик тарбияси» деган темадаги лекциясини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Товоқсойда соғлиқни сақлаш университети ҳам муваффақиятли ишлаб турибди.

Э. ТУРКМЕНОВ.

ТОТЛИ ТАОМЛАР

Биринчи, иккинчи, учинчи... Ҳаммаси сифатли, мазали. Ишчилар иштаҳа билан овқатланишгач, таклиф ва мулоҳазалар дафтарини сўрашди.

— Ҳа, бугун тайёрланган овқатдан кўнглингиз тўлмадими? — ҳайрон бўлди ошхона мудири Надежда Михайловна Вишневская.

— Йўқ, аксинча. Раҳмат. Жуда ҳам тотли, сифатли. Маза қилиб овқатландик. Пазандаларингизга ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз, — дейишди 4-цех ишчилари Терехова ва Мустафоев.

12-цех ишчилари Воробьева ва Брагидлар ҳам миннатдорчилик сўзларини ёздилар.

Хўрандалар мақтаганича бор. Чиндан ҳам Октябрь район ошхоналар трестига қарашли 30-ошхона коллективи Ўзбекистон трактор-йигув заводи машинасозларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда турли хил таомлар, сут маҳсулотлари бор. Истаганингизни истеъмол қилишингиз мумкин.

Корхонада иш уч сменада бўлгани учун ошхона ҳам ўз ишини уч сменали қилиб ташкил этган. Ишчилар ишга тушмасдан олдин бу ерда нонушта қилиб олишлари мумкин. А. Кўхарская бошлик коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари, Кротиева, Муҳаммаджонов, Ҳошимов каби қўли ширин пазандалар доимо ишчилар хизматида. Уларнинг ташаббуслари билан айрим енгил таомлар бевосита ишчилар ишлаётган цехларга етказиб берилятти.

Октябрь ошхоналар трестида бундай намунали ишлаётган ошхоналар оз эмас. Трамвай-троллейбус паркларида, «Компрессор» заводида ва бошқа бир қатор йирик саноат корхоналарида меҳнат қилаётган пазандалар хизматидан ҳам ҳамма мамнун.

М. ЗАРИПОВ.

ФАН ОЛАМИДА

МУСКУЛ МОДЕЛИ

Грузин биофизиклари М. Заалишвили ва Г. Микадзе, организм ҳужайраларида химиявий энергиянинг ўзига хос аккумулятори бўлиб хизмат қилаётган аденозинтрифосфорли кислота мускулларнинг ишлашини таъминловчи бирдан-бир нарса эмас, деб даъво қилмоқдалар. Улар мускул толасида атф деб аталган ва сувда эрийдиган янги оқсид модда борлигини топдилар. Мускул шу моддасиз ҳаракат қилолмайди.

Грузин биофизикларининг бу кашфиёти мускул ҳаракатининг механизмини аниқлаш учун катта аҳамиятга эга бўлиб, химиявий энергияни механик энергияга бевосита айлантира оладиган ҳемодинамик машина моделини яратишга имкон беради.

ЛИМИНАФОРЛАР ИНСТИТУТИ

Ставрополда Бутуниттифоқ люминафорлар илмий тадқиқот институти тузилди. Бу институтнинг вазифаси — нурланиб турадиган кристаллар физикаси ва химиясини ўрганишдан ҳамда шундай кристалларни ишлаб чиқаришнинг мукаммалроқ технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Шаҳар чеккасида қурилаётган ва мамлакатда биринчи бўлган люминафорлар ва химиявий реактивлар заводи бу институтнинг асосий ишлаб чиқариш базаси бўлиб қолади.

ГИДРОЛОГЛАРНИНГ «СЕРГАК КЎЗИ»

Оқим пунктлари деб аталган пунктларнинг ҳодимлари мамлакатимиздаги катта ва кичик 70 та гидроэлектростанцияга доимий навбатчилик қилиб турадилар. Бу пунктларни энергетика системаларининг «серган кўзи» деса бўлади. Шу пунктларнинг ходимлари гидроузеллар орқали ўтадиган сувларнинг даражасини ва оқишини автомат асбоблар, электр алоқа воситалари ва бошқа янги техника ёрдамида йил бўйи мунтазам равишда кузатиб турадилар. Бундай кузатишлар гидрологик прогнозлар ва гидроэлектростанцияларнинг қанча энергия беришини белгилайдиган графиклар тузиш учун жуда катта аҳамияти бор.

ТАСС мухбири.

ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

«Таштекстиль м а ш» заводи коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳузурига шаҳримизда билим олаётган чет эллик студентлар меҳмон бўлиб келишди. Дўстлик кечасини завод бош инженери С. В. Рубцов очади. Сўнгра корхона ишчилари, коммунистик меҳнат зарбдорлари меҳмонларни чет тилларда табриклашди.

Меҳмонлар номидан Бирлашган Араб Республикасидан келган ТошДУ тайёргарлик курси студенти Райх Абад Хумар сўзлаб бундай деди: «Тошкентда ўзимизни мамлакатимизда юргандек ҳис қиляпмиз. Ҳар ерда бизни ҳурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олишяпти. Ватанимизга қайтгач, меҳмондўст Тошкент ва унинг меҳрибон кишиларини бир умр эслаб юрамиз».

Учрашув охирида рус, инглиз, араб, испан ва бошқа тилларда дўстлик ҳақидаги қўшиқлар янгради.

КИЧКИНТОЙЛАР САНЪАТИ

Виставкалар залида тўртта хона бўшатиб қўйилди. Бу ерда аввалги экспонатлар ўрнини мамлакатимизнинг кичик санъаткорлари — мактабгача ёшда бўлган кенжатойлар ижоди эгаллайди.

Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги кичкинтой ижодкорлар бу ерга ўзлари чизган расмларини, пластилиндан ясалган ўйинчоқларни ва фотоплакатларни юбордилар. Ленинградлик кичкинтоқ санъаткорлар учун бу ерда алоҳида зал ажратилган. Шунингдек, Болтиқ бўйи, Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ҳамда Россия Федерацияси, Ўзбекистон республикаси учун ҳам алоҳида заллар бор.

Виставкада 850 та тасвирий санъат асарлари, 700 дан ортиқ ўйинчоқ, юзлаб фотоплакатлар намойиш қилинади. Виставка очилгандан кейин мамлакатимизнинг 300 дан ортиқ таниқли педагоглари кичкинтойларнинг ҳақида фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашадилар. Виставка мактабгача ёшдаги болалар ва қўйи синф ўқувчиларининг маҳоратини ошириш, уларга эстетик тарбия бериш ва бу соҳада педагогларнинг вазифаларини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

ЁШ ТУРИСТЛАР

Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрида область ёш ўлкашунос туристларининг III конференцияси бўлиб ўтди. Область комсомол комитетининг секретари ўрток Т. Валиев «Ёш ўлкашунос туристларнинг саёҳати ва унинг аҳамияти» деган темада доклад қилди. У Чирчиқ шаҳар ёш туристларининг намунали ишлари ҳақида гапириб, ўқувчи туристларнинг Курама тоғларига қилган қизиқарли экскурсиялари, ҳайвонот дунёси билан танишиб, гербарий л а р тўплаб қайтишганини сўзлаб берди.

Граждандар уруши қатнашчиси, шахсий пенсионер Ф. А. Владимирский ёш туристларга доҳи Ленин билан бўлган учрашув онларини ҳикоя қилиб берди. Хизмат кўрсатган спорт мастери альпинист В. И. Рацек ва геология-минералогия фанлари кандидати М. Зокировлар туризмнинг гашти, фойдасини гапириб ёшларни кўпроқ саёҳатлар уюштириб туришга, ўлкамизни ўрганишга чақиришди.

Конференция қатнашчиларига Охунбо б о е в номли ёш томошабинлар театри коллективи Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» спектаклини кўрсатди.

М. НИЕЗБЕКОВА.

„ЎЗБЕКФИЛЬМ" МУКОФОТЛАНДИ

«Ўзбекфильм» киностудияси ўтган йил яратган 8 та бадиий фильмнинг ҳаммаси Бутуниттифоқ киноэкранларида намойиш қилиш учун махсус комиссия томонидан қабул этилди.

Бу воқеа ўзбек кино санъатининг тобора камол топаётганидан далолат беради. Яқинда Москвадан қувончли хабар келди. СССР Министрлар Совети Давлат кинематография комитети ва маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг Президиуми Иттифоқдаги киностудиялар, суратга олувчи группалар, кино саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақани якунлаб, 1964 йилнинг охирги кварталида яхши натижага эришган. «Ўзбекфильм» киностудиясига иккинчи мукофотни берди. «Союзмультфильм» ҳам шундай мукофот билан тақдирланди. Биринчи даражали пул мукофоти ва кўчма Қизил байроқни эса Киев илмий-оммабоп фильмлар киностудияси олди.

Учинчи мукофот «Ленфильм», «Грузияфильм», «Диафильм» ва Москва илмий-оммабоп фильмлари студиясига тегди.

Булардан ташқари шу давр ичида энг яхши кўрсаткичга эришган суратга олувчи ижодий группалар ҳам пул мукофоти билан тақдирланишди. Шу жумладан «Ўзбекфильм» киностудиясида ишланган «Ер фарзанди» фильмининг режиссёри, СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Комил Ёрматов группаси мукофотланди.

Шунингдек, Тошкент илмий-оммабоп ва хужжатли хроникаль фильмлар киностудияси томонидан яратилган «Олтин тўй» (режиссер М. Қаюмов) фильми яхши ишланган картина деб қайд қилинди.

С. ГАФУРОВ.

ЯНГИ КАФЕ

Вокзал кейинги йилларда жуда ҳам кўркам бўлиб боряпти. Қисқа вақт ичида бу ерда «Билим» китоб магазини, «Восток», «Дилором» озиқ-овқат магазинлари ва «Шарқия» саноат моллари магазини битказилиб, ишга туширилди. Куни кеча эса бу ерда олди тошйўнали «Стрела» кафеси ҳам фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.


И. РУСТАМОВ.

ШАХМАТ ИШҚИБОЗЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

«ЁҒОЧ»ГА «ЖОН» КИРГАНДА...


«Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилиғи». Бу инсон ҳаётига хос мақол. Шахмат билан ошна бўлган кўп донишмандлар 64 катакда юз берадиган воқеаларни инсон ҳаётида мавжуд шодлиг-у, қийинчиликлар билан таққослаганлар.

Маълумки, шахмат доналарининг кучи бир-бирига нисбатан белгиланади. Масалан, энг зўр сипоҳ фарзин икки рухга тенг; рух эса фил ёки отдан анча кучли ва ҳоказо. Лекин унча-мунча тажриба орттирган шахматчи бундай нисбий баҳо билан чекланиб қолмайди: ноқулай жойлашган сипоҳдан баъзан бир пиёда устунлик қилишини билади. Баъзан айрим шахмат ҳаваскорларидан: «қайси сипоҳ яхши ўйнайди» деган саволни эшитишга тўғри келади. Аслида саволнинг бундай қўйилиши хато. Яхши шахматчи бошқарадиган сипоҳларнинг ҳаммаси ҳам дурлет, улар маълум вазифани бажаришга сафарбар қилинади.



1-диаграммадаги позицияда қора шоҳ жуда ҳавфли жойда турибди. Куч жиҳатидан-чи? Қоралар вазир — фарзинга, оқлар бўлса ундан уч марта кучсизроқ филга эга, холос. Юриш навбати қоралардан, албатта. Бўлмаса, оқлар фили билан e] дан кишт бериб, қора шоҳни мот қилардилар. Агар улар g5 даги пиёдасини g4 га сурса, Са5 — d8 дан сўнг мот бўлади. Бундан ташқари (агар қора фарзин g2 даги пиёдани очмасдан чиқарса) g2 — g3х ҳавфи ҳам бор. Демак, қоралар қуйидагича юришга мажбур. 1... Фе2 — е2 (1...Ф[2 бўлса ҳам барибир) 2. Са5 — с7! (оқлар фили билан g3 дан мот қилмоқчи). 2... Фе2 — f2. 3. Сс7 — d6! (бу ажойиб юриш билан оқлар рақиби имкониятларини бутунлай чеклаб қўяди). 3... Ф[2 — f4+ (қоралар фарзинни бериб дурангга эришмоқчи). 4. g2 — g3+! Ф[4 : g3+ 5. С[6 : g3× Кичиги катта сидан зўр чиқди!

Машҳур шахмат проблемисти А. Троицкий (1866—1942) ҳозирги замон бадиий шахмат этюдларининг отаси ҳисобланади. Ўзининг деярли 50 йиллик ижодий фаолиятида у 1000 дан ортиқ этюдни матбуотда эълон қилди. Унинг шахматдаги маҳорати юқори баҳоланди. А. Троицкийга



хизмат кўрсатган санъат арбоби деган юксак унвон берилди.

2-диаграммада А. Троицкий тузган этюдлардан бири кўрсатилган. Этюд ва масалаларда, яъни сунъий равишда тузилган позицияларда юриш навбати оқлардан бўлишини билсангиз керак. Хўш, улар нима қилсин? Ахир, қора пиёда фарзинга чиқиб кетяпти. 1. g7 f2 2. gh[Ф+ Кр : h8 3. Кр[7 (фил билан g7 дан мот қилиш мақсадида) бўлса, 3... f1Ф+ ва қоралар ютади. Шундай экан, оқлар мана бундай йўл билан ютар: 1. g7 f2 2. Се7 f1ф 3: С[6 ва кишт йўқлигидан фойдаланиб, оқлар h8 дан мот қилмоқчи. Лекин қоралар ҳам анча «муғомбир»: 3... Ф : f6 Энди 4. e[бўлса ўйин пот бўлади.

Аммо оқларда ўйинни ютиш учун ажойиб имконият мавжуд. Бунга сабаб — қораларнинг ниқоятда қисилиб қолганлигидир. Мана: 3... Ф : f6 дан кейин оқлар рақибига пот имконияти туғдирувчи юриш — 4. e[? ни қилмай, 4. gh[Ф+ ўйнайди ва 4... Ф : h8 5. d4! дан сўнг, практикада кам учрайдиган аҳл бовар қилмайдиган позиция вужудга келади: 5... Фg7 6. hg h5 7. e6 h4 8. e7 ва оқлар ютади.

Шахматнинг — санъат эканлигига яна қандай далил даркор?!

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери.

ТУРОНОВНИНГ ҲАНГОМАСИ

Фельетон

Киши саноатдами, қурилишдами, колхоздами, савдо ташкилотидами, хуллас қаерда ишламасин, ҳалол меҳнатига яраша тақдирланади. Бордию ишда, шахсий ҳаётида унча-мунча нуқсонларга йўл қўйса борми, шахсий делога ёзиш шарти билан қаттиқ, ёки енгил танбеҳлар олади.

Лекин унча-мунча танбеҳни сиртига юқтирмайдиган, фақат ўзининг ҳузур-ҳаловатини кўзловчилар ҳам топилиб туради. Шуналарга танбеҳнинг ҳоҳлаган туридан, истаганча бериng, барибир сиртига ёғ суртилган терига сув пуркаш билан баравар, писанд қилмайди.

Бўка район матлубот жамиятида бундай шахсларни чироқ ёқиб излаб юришнинг ҳожати йўқ. Жамиятнинг собиқ раиси Туронов бу соҳада бошқаларга «намуна» бўлади. Шундай сотувчилар ҳам борки, улар савдо, қондасини бузиш анчики иш деб қарайдилар. Баъзи магазинчилар танбеҳ олмаган бўлсалар «ҳа энди росмана ходим даражасига кўтарилибман», деб юрармиш. Мана, биргина мисол. Ўтган тўрт-беш йил ичида матлубот жамиятига тўртта раис келиб кетди. Нима учун? Ёки уларга Бўканинг ҳавоси ёқмадими? Йўқ, ҳавоси-ку, дуруст, лекин атрофдан эсиб турган мўмай даромад шабадаси уларни тинч ишлашга қўймади. Ана шу шабада яқинда бешинчи раис Туроновни ҳам матлубот жамиятидан учириб юборди. Чунки коллектив меҳнатини тақдирлаш учун ажратилган 812 сўм мукофот пулини «одамларга тақсимлаб қийналиб юрамизми», деб хамёнга уриб қўяқолди Туронови тушмагур.

Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга солодир, деб хиргойи қилиб юрадиган Туронов, қани айтингчи, меҳнаткашларни чўмичда қоқаётган айрим савдо ходимларига қайси виждон, қайси юз билан бировнинг ҳақига хиёнат қилиш виждонсизлик дея оласиз?! Мана шунинг натижасида матлубот жамиятида озиқ-овқат моллари ҳам, саноат моллари ҳам ортиқча нарх қўйиб бемалол сотилаверади. Бу ерда текин даромад эвазига танбеҳлар тўплаш «мусобақаси» авж олиб кетган.

Ўтган йили танбеҳ олиш «мусобақаси»да, 12, 15-магазин мудирлари Оққулов ва Хафизовлар рекорд қўйишди. Оққулов ҳарбири 20 сўм 80 тийин турадиган самоварни 28 сўм 60 тийиндан пуллаб ортиғини ўмариб қолаверди. Хафизов эса 40 сўм 88 тийин турадиган «Родина 52» радиоприёмникнинг устига 17 сўм 87 тийин ортиқча нарх қўйиб ким ошди савдосини авж олдирди. Жамиятнинг собиқ раиси Туронов эса бу жиноятни ҳеч қандай аниқ қолгандан кейин уларни «эҳтиётсизликда» айблади-ю, ўша куни кечқурун дастурхон устида: «хўжа кўрсинга унча-мунча қаттиқ гапирсак, кўнгилга олманглар», деб уларнинг елкасини силаб қўйди. Шундан сўнг 1-озиқ-овқат магазини сотувчиси Абрамов ва тандир цехининг конвойлари Каримов ҳамда Мардоновлар унинг бу гапини: «биз бор, бемалол ҳаракат қилаверинг», деб тушунишди. Бир марта ўтказилган текширишнинг ўзида Абрамовнинг озиқ-овқат молларининг ҳар килограммидан 40-50 граммдан уриб келаётганлиги аниқланди. Афтидан Каримов ва Мардоновларнинг дояси танглайларини ўғирлик танга билан кўтарган экан шекилли, Бўкада уларнинг олдига тушадиган эгриқўл йўқ. Улар куппа-кундуз куни 500 граммли ҳар бир нондан 100 граммдан юлиб қолишган. Бу камлик қилгандай 210 килограмм унни бозорга олиб чиқиб сотишган. Туронов буни эшитиб уларга биттадан хайфсан бериб «сийлаб» қўяқолди.

Матлубот жамиятининг Қодиргул Жўраев деган бир арзандаси бор. У киши ҳар гал отпускага чиқиб кетаётганларида албатта бирор жойни ўмариб кетади. Отпускадан қайтгач ҳеч нарса кўрмагандек яна лабини ялаб кириб келаверади, Туронов уни бирор магазинга жойлайди-да «буёғига эҳтиёт бўл», деб огоҳлантиради.

1963 ва 1964 йилларда бу устаси фарангнинг умумий овқатланиш бўлими омборидан қувиб чиқарилганлиги унинг меҳнат дафтарчасида қайд қилинмаган. У шундан фойдаланиб, Туронов ёрдамида ўша омборга яна ўрнашиб олган. Қодирқул ўз мақсадига эришгач, 1964 йил 25 декабрь куни магазин мудири Аширқуловга 72 тийинли 400 килограмм гуручни 80 тийиндан, 42 тийинлик 207 килограмм макаронни 56 тийиндан сотавер, деб «кўз қисиб» қўйган. Орадан уч кун ўтгач, яна 685-накладной билан 72 тийинлик 300 килограмм гуручни Аширқуловга 80 тийинданга ўтказган.

Юлғичликда район универмагининг бўлим мудири Бўстон Раҳманова Жўраевдан ўзиб кетди. У, Туроновнинг паноҳида халқдан тийинлаб эмас, сўмлаб уриб қолди. Шу йилнинг январь ойида 30 сўм 38 тийинли болалар пальтоси устига 10 сўм 40 тийиндан қўйиб сотади. Яхшики ўқитувчи Абдуллаева буни сезиб қолиб милиция органига хабар беради. Нима учундир район милиция ходимлари юзларини тескари ўгириб, кўзларини чирт юмиб туришаверди. Бундан фойдаланган Туронов жиноятнинг чанги босилгунча Раҳмоновани магазиндан вақтинча четлаштиради.

Туронов халқ мулкига истаганча хиёнат қилиб, савдо тартибини хоҳлаганча бузаётганларга парво қилмай ҳомийлик қилиб келгани учун ҳам, савдога мутлақо алоқаси бўлмаган кишилар матлубот жамиятининг ширали дастурхони тепасидан кетолмай учиб-қўниб юришибди. Хўш, айтингчи, райондаги 41-мактабнинг собиқ ўқитувчиси Ҳадича Ҳожиева, кинофикация мутахассиси Қосим Акбаров, ўрта-махсус техника билимига эга бўлган Ҳалима Жумановa, 8-СУМнинг собиқ ишчиси Миргазим Вагизов, радио мастери Ўринбой Турсунқулов, медицина ходими Ҳосият Мавлоновалар ўз касбларини ташлаб савдо ишига ўтиб олишган. Ахир улар магазинда билар-билмас чит газлаб, ошхонада хамир қориб юргандан кўра ўз касбларида ишласалар кўпроқ фойда келтирган бўлмасмидилар?!

Бўкадаги матлубот жамиятида, мана шунақа, ҳар хил хангомалар бўлиб турибди. Буларнинг олди олинмаса, яна катта томоша бўлиб юрмасин!

А. ШАИХОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

СУД ЗАЛИДАН

К О Т И Л

В. Доронин Ленинградда оғир жиноят қилиб, изни яшириш мақсадида Тошкентга қочади. Аввалига у бу ерда майда-чуйда ўғриликлар билан кун кечириб келди. Бироқ бу уни сира қаноатлантирмасди. Вячеслав каттароқ «ўлжа» ахтариб Олмалиққа жўнади.

Пул, бойлик орттириш ва енгилпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолган, жамоатчиликка сира нафи тегмаган В. Доронин санғиб юриб, Олмалиқ ТЭЦининг кассири изига тушади. Пўлат сандиқни очаолмагач, калитни ўғирлаш пайига тушади. Кассирнинг уйига бостириб киради. Инсонлик қиёфасини йўқотган бу қотил кассирни, унинг эри ва фарзандини ўлдириб, калитни олиб чиқиб кетади.

Аммо унинг ёвуз нияти амалга ошмайди.

Ишчиларнинг пешона тер тўкиб топган, ҳалол меҳнат ҳақларига кўл чўзиб турган пайтда ҳушёр кишилар ва дружиначилар уни қўлга туширишди.

Яқинда В. Доронин разил қилмишлари учун жавоб берди. Область суди қотилни отишга ҳукм қилди.

А. МИРПЎЛАТОВ,
милиция капитани.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 23 МАРТ 1965 ЙИЛ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Экран — болаларга**, 18.40 — **Инглиз тили** (болалар учун 18.45 — **Электротехника заводидан репортаж** (саноат ходимлари учун), 19.05 — **Реклама ва эълонлар**, 19.10 — **Муросасизлар** (бадиий фильм).

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Дугоналар таронаси** (адабий эшиттириш), 21.10 — **Олтин тўй** (ҳужжатли фильм), 22.00 — **Хотин-қизлар учун**, 22.20 — **Концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.50 — Ўзбекистон комсомолининг 40 йиллиги олдидан. **Шонли авлод** (болалар учун), 20.25 — **Тошкент янгиликлари.**

Рус тилида: 20.35 — **Она-Ватан садолари** (ҳужжатли фильм), 21.15 — **Тошкент янгиликлари**, 21.25 — **А. Островский Ўрмон** (1-серия).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/III да **Фауст**, 24/III да кундуз **Семург**, кечқурун **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/III да **Алишер Навоий**, 24/III да **Қонли сароб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да **Уғил уйлантириш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва давлат циркининг қизиқчи артистлари иштирокида **«Ҳазилни қўйинг»** деган томоша ва бошқа номерлар.

КИНО

Қора нўйойнак — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Бегона (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Можаро — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5, кеч 7, 9 ва 10 яримда).

Мен-Куба (1 ва 2-серия) — ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Тирикларга мактуб — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Суратдаги одам — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Чўртонбалиқ амри билан — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да)

30 МАРТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

3% ЛИ Давлат ички ютуқ заёмининг

104-АСОСИЙ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ БЎЛАДИ.

Тиражда ўн саккиз разрядга 8.370.000 сўмлик 153.000 ютуқ ўйналади.

3% ли заём облигацияларини сотиб олинг!

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

23, 24, 25, 26 мартда

Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти

Комилжон Отаниёзов

раҳбарлиги ва иштирокида

ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: Бутуниттифоқ ёшлар ва студентлар фестивали лауреати **Отажон Ражабов**, солистлардан **Олмахон Ҳайитова, Гулчеҳра Исмоилова, Шариф Султонов, Жуманиёз Собиров, Отаназар Абдалниёзов, Раъно Жуманиёзова, Ражаб Исмонлов, Отабой Ҳасанов,** ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Тошкент область, Калинин район, Свердлов номли колхозда турувчи **Ҳайдар Содиқович Йўлдошевнинг** Тошкент шаҳар, Уста Ширин кўчаси, 53-уйда турувчи Васила Жўраевна Икромовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Қоратош кўчаси, 7-уйда турувчи **Рубен Григорьевич Газиевнинг** шу уйда турувчи Ольга Романовна Газиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Ҳамза кўчаси, 4-тупик, 11-уйда турувчи **Фарух Мирҳодиевич Миржалоловнинг** Татарская кўчаси, 1-уйда турувчи Вилоят Муротовна Файзиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Адрес: Ташкент, «Правда Востока» кўчаси, 26уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши бўлими — 26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01759. Индекс 64969. Нашр. № 1724.